

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ  
ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ  
ГАЗЕТАСИ



# milliy

№ 23 (1073) 2020 йил 16 июль, пайшанба

tiklanish

www.mt.uz / mtiklanish@mail.ru / mtiklanish@t



ISSN 2010-...

1995 йил 10 июль



ТИЛ МИЛЛАТ  
РУҲИ ЭКАНИНИ  
УНУТМАЙЛИК 2

НОТИҚЛИК ВА НУТҚ -  
ТАРҒИБОТЧИНИНГ  
ШАХСИЙ ҚУРОЛИДИР 4

АЛЛОҲДАН  
ЧИН ДИЛДАН  
СЎРАШИМИЗ КЕРАК 5



Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

## АҲОЛИ КОРОНАВИРУС ВА БОШҚА КАСАЛЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАЕРГА БОРИБ МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАНИШНИ БИЛМАЙ, САРСОН БЎЛМОҚДА

2-бет



### Депутат ёшлар ва бизнес ўртасидаги ишончли кўприкка айланиши керак

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг видеоконференцалоқа тарзидаги навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган устивор йўналишлардан келиб чиқиб, партия ва партия фракцияси аъзолари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда фракция раҳбари Алишер Қодиров карантин шароитида асосий муаммо аҳолининг эҳтиёжманд қатлами кўллаб-қувватлаш, уларни даромад билан ҳамда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Йиғилишда мактаб битирувчиларини ўқиш ва ишга жалб этиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Таъкидланишича, жорий йил мумтаълим мактабларини 452 минг ўғил-қиз битириб чиқди. Уларнинг 70 минг олий таълим, 85 мингнинг эса профессионал таълимга кириши кутилмоқда. 95 мингдан зиёди ишга жойлашган тақдирда ҳам яна 200 мингга яқин йигит-қиз бандлигини таъминлаш лозим бўлади.

Шунингдек, мактабданоқ касбга ўқитиш тизими жорий этилиши муносабати билан навбатдаги ўқув йилидан бошлаб мактаб директори ва ўқитувчиларга ўқувчиларнинг олий таълимга кириши, касб эгаллаб, ўз ишини топиши даражасига қараб оширилган иш ҳақи тўланиши келгусида Халқ таълими тизимидаги ютуқларнинг асоси бўлиши депутатлар томонидан таъкидланди.

Давоми 5-бетда



### Коронавирус юқтирганлар

# 14581

нафарни ташкил этмоқда

+ 2020 йил 15 июль соат 23:30 ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 14581 (+115) нафарни ташкил этмоқда.

+ Янги касалланиш ҳолатларининг 69 нафари карантин марказидаги фуқаролар (барчаси хориждан келган) орасида, 31 нафари Андижон вилоятида, 15 нафари Сурхондарё вилоятида коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли намуна олинган фуқаролар орасида аниқланган.

+ Эътиборли жиҳати, бугун Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида 135 нафар, Қашқадарё вилоятида 97 нафар,

Самарқанд вилоятида 49 нафар, Сурхондарё вилоятида 34 нафар, Жиззах вилоятида 9 нафар ҳамда Фарғона вилоятида 4 нафар, жами 328 нафар бемор тузалди.

+ Шундай қилиб юртимизда 8655 (+328) нафар коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар (59 фоиз) соғайган.

+ Ҳозирда мамлакатимизда 5855 нафар беморга шифокорларимиз томонидан белгиланган стандартлар бўйича даво чоралари кўрилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Олий таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур фанларга кўпроқ эътибор қаратилиши мумкинлигини тушунса бўлар. Чунки, олий ўқув юртига ўқишга кирган талабага ўз тарихи ва она тилини мактабдаёқ ўргатган бўлишимиз керак, аслида. Лекин Ўзбекистон, унинг келажаги шаклланидиган мўътабар жой — мактабда тарихимизни ўргатишга эътиборсизлик, она тилини эса рус ва инглиз тиллари фойдасига қисқартириш жуда жиддий хато дир!

Давоми 2-бетда

ТЕМИРҚОВУҚЛИКЛАР ЎЗ  
ДЕПУТАТИДАН РОЗИ 4 с.

6 с. ТИЛИМИЗГА ОИД МУАММОЛАР  
ИЛДИЗИ НИМАДА...

МАНСАБДОРЛАР ТОМОНИДАН  
172 МИЛЛИАРД 260 МИЛЛИОН  
СЎМ ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН 8 с.

БУРГАГА АРАЗ  
ҚИЛИБ, КЎРПАГА  
ЎТ ҚЎЙМАНГ!

Ёхуд тождор офатнинг тарқалишида шифокорлар айбдорми?

6-бет

Бу сафар ислохот исканжасига... ОНА тили рўпара келганига нима дейсиз?! Она тили ортиқча ўқитилаётган эмиш! Она тили ўқитиладиган соат керак бўлибди... кимларгадир! Ана, холо-ос!

(Бошланғичи 1-бетда)

## ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ ҲАМДА МАСЪУЛЛАРНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль кунин Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Коронавирус касаллиги юртимизга кириб келганидан бери давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда. 14 июлда бўлиб ўтган селекторда ҳам жойларда бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилган эди. Уларнинг ҳозирги мураккаб вазиятни тўғри баҳолаётгани, хавфни тушуниб етмаётгани аёнлашди.

— Айниқса, пойтахт ва Тошкент вилоятида ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ишониб топширилган ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганмаган, — деди бу галги йиғилишда давлатимиз раҳбари. — Тиббиёт муассасаларидаги реал вазиятни билмайди. Аҳолини вирусдан огоҳлантириш ва сақлаш, касалларни ўз вақтида ва тўғри даволаш учун масъулиятни ҳис қилмаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам, кейинги бир ойда коронавирусни даволаш стратегияси ва тактикаси кескин бузилган, реал ҳолатдан келиб чиқиб, даволаш амалиёти ўзгартирилмаган.

Тошкент шаҳрида касалликни аниқлайдиган тестлар ва зарур тиббиёт воситалари етишмаяпти. Дорихоналарда вирус ва иситмага қарши препаратлар нархи асоссиз бир неча баробар ошириб юборилган, бу эса аҳоли орасида кўпга эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда Тошкент шаҳри шифохоналарида 418 та, Тошкент вилоятида эса 816 та штаб бирликлари бўш тургани вазирлик ва ҳокимият томонидан жорий вазият ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан далолат беради.

Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли коронавирус ва бошқа касалликлар бўйича қаерга бориб мурожаат қилишни ва даволашни билмай, сарсон бўлмоқда. Шошилиш тиббий ёрдамга кўнғироқ қилиб тушиш қийинлашиб кетган.

Вирус юқтирилганлар сони пойтахтда 4 минг 92 тани ва Тошкент вилоятида 1 минг 498 тани ташкил этмоқда. Бу бутун мамлакат бўйича касалларнинг 40 фоизи дегандир. Тошкент шаҳрида коронавирусдан ўлим сони ҳам кескин кўпайиб, 45 тага етган.

Президент бундай ачинарли ҳолатлар аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Коронавирус тарқалишига олдин олиш ва даволаш бўйича Тошкент шаҳридаги ишларни талаб даражасида ташкил этмагани, эпидемиологик вазиятнинг салбий ўзгаришларига тейёр бўлишни таъминламагани, бу касаллик билан «наста тушиб» мукамал шугулланмагани учун соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шодмонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳондор Ортиқхўжаевга ҳайфсан эълон қилинди. Шаҳар ва вилоятнинг барча сектор раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди.

Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирлик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди. Ушбу штаблар вазиятни реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш чораларини кўради.

Шунингдек, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги поликлиникалар ҳузуридаги мобил гуруҳлар сонини уч баробар кўпайтириш вазифаси ўқлатилди.

Зангиота туманида яқинда иш бошлаган шифохонадаги жой сонини яна 1000 ўринга кўпайтириш топшириғи берилди.

Пойтахтимизда дори-дармон етказилиши ва нархи барқарорлигини таъминлаш, шошилиш тиббий ёрдам хизмати ва колл-центрлар ишини самарали ташкил этиш, COVID-19 билан ишлаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, касаллар учун қўшимча ўринлар ташкил этиш, шунингдек, карантин ҳудудларидаги шахсларни уй карантини боққича-боққич ўтказиш масалалари кўриб чиқилди, зарур чоралар белгиланди.

Аҳолидан мурожаатлар сони кескин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, колл-центрлар алоқа воситалари ва операторлари сонини камида икки баробарга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига камида 3 ойлик дори-дармон ва химоя воситалари захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги синовий вазиятда кундалик эҳтиёж моллари ва зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши, нархлари асоссиз ошиб кетмаслиги жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга бу масалани қатъий назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Пандемияга қарши курашиш, карантин қоидаларига амал қилиш, ижтимоий масофани сақлашнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу борада қилинаётган кундалик ишларни ҳолис ва тезкор ёритиш муҳимлиги таъкидланди.

Коронавирус касаллигини даволаш билан боғлиқ барча жараёнларга, жумладан, Тошкент шаҳридаги ишларга масъуллар бириктирилди.

— Яна бир бор таъкидлайман. Айни пайтда бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам кўринмас душман билан чин маънода уруш олиб бораёмиш. Бу вируснинг барча хавф ва харатини тўғри баҳолаб, ҳар томонлама тейёргарлик кўриб курашсак, уни албатта енгамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

ЎзА



Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси



Азамат ЗИЁЕ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор

Оломоннинг халқ, халқнинг миллат бўла олмаслиги бош сабабчи ўзимиз бўлиб келганмиз. Бизга босқинчилар, яна ким-у, нимадирлар баҳона бўлганлар, холос. Умримизнинг онгли бўлагида олиб борган кузатиш ва таҳлилларимиз, тарихчи сифатида билиб ўрганганларимиз негизидеги ушбу ҳулосадан ҳеч ким бизни айнига олмайди. Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Ибрат, Фитрат ва бошқа қанчадан-қанча элқурларнинг ёзган, айтганларини ўрс тилига таржима қилиб, ёнидан қўшиб-чатиб ва тагида қизил рангда чи-зиб, «далил-исботлар» тайёрлаб берганлар ҳам ўз қорақўларимиз бўлган (босқинчилар ўзбек тилини билмаганлар-ку).

Самарқанднинг 2500 йиллиги баҳонасида Амир Темур номи ва даврини юзага чиқаришни удалаган Иброҳим Мўмин устидан ва умуман мазкур «миллатчилик иши» ҳақида Москвага (!) ёзган, Соҳибқироннинг «тарихий жиноятларини» фош этувчи «далил-исботлар»ни тайёрлаб берганлар ҳам беғоналар эмас эди.

Табиий ва аниқ фанларни билиш жуда ҳам керак. Кишилиқни тараққиётнинг энди ҳўққисига олиб чиққан ҳам айнан шу йўналишдаги фанлардир. Сўнги 500-550 йил мобайнида юз берган миллий сусайиш ва унинг оқибати ўлароқ, мустамлака давримиз сабоқлари ҳам табиий ва аниқ фанлар-

тил миллатнинг руҳи, овози, дейишади. Демак, биз яқин 10 йил ичида худди Тошкентда одатий ҳолга айлашиб улгурган, яъни ўзбекча гапиришга уялиб ва ўзигидан фахрлана олмайдиган авлодга эга бўламиз, холос. Шунинг учун ҳам Халқ таълими вазирлигига ушбу хатони содир этишга йўл қўймастимиз керак.

Унутмайликки, таълим-тарбия билан боғлиқ масала бу миллат масаласидир. Шундай экан ушбу масалада биргина вазирлик даражасида қарор чиқариш хато эканини англаб етadиган ва бунинг оқибатини тушунадиган пайт келди, назаримизда.

Агар ушбу масалани ҳуқуқий томондан таҳлил қилсак, асосий муаммо қонун ҳужжатларида барча вазирлик ва давлат идораларига норматив-ҳуқуқий тусдаги

ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи бериб қўйилганида экани яқоқ кўринади.

Яъни, бугун барча вазирликлар ўзлари мустақил равишда турли ҳужжат, низоми ва йуриқномалар тайёрлашапти. Уларни Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказганларидан кейин эса бошқаларни ҳам ана шу ҳужжат асосида иш олиб боришга мажбур қилмоқдалар.

Бизнингча, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлашга оид ҳар қандай масала парламентда — миллионлаб сайловчилар ишончини қозонган депутатларнинг кўпчилиги овози билан маъқулланган тақдирда, яъни ушбу қарор фақат ва фақат қонун кўринишига айлантирилган тақдирдагина уни амалиётга жорий этиш мумкин бўлсин.

Тўғри, ушбу масала ҳукумат миқёсида ҳам ҳал этилиши мумкин. Аммо сай-

ловлардан кейин маълум бир партиянинг парламентда етакчи сиёсий кучга айланиши натижасида ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритиши юқоридаги масалада ноҳолислик юзага келиши мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимига оид ҳар қандай меъёрий ҳужжатлар халқ уйи — парламентда қабул қилинишига эришишимиз керак.

Тасаввур қилинг, таълим-тарбия масаласида вазирлик бир қарор билан ўзи истаган услубни танласа ёки фарзандларимизга нимани, қандай ўқитишни ҳал қилса. Айни пайтда аксарият ота-оналар ўз фарзандларини ўн йил мактабда ўқитиб, олий таълимга киритиш учун яна репетитор ёллашаётгани ҳам юқоридагидек қарорлар натижасидир.

ни мэнсимай қўйганимиз билан боғлиқдир. Шу маънода, таълим тизимининг барча босқинчилирида табиий ва аниқ фанларнинг сифиммо сифатини оқилона ва мақсадга мувофиқ кучайтиришимиз лозим.

Шу билан бирга бир неча ҳақиқатларни эсдан чиқармаслигимиз ҳам ўта муҳимдир. Математика, физика, кимё, биология Вашингтон ва Бразилияда ҳам, Сидней ва Магадада ҳам «ўзлугини йўқотмайди. Негаки уларда ўзлик йўқ, уларнинг ўзлари — тегишли қонун-қоидалар йиғиндисидан иборат, холос. Фарқ фақат ўқитиш-ўргатишдаги ёндашувларда бўлиши мумкин. Бироқ Пифагўр теоремаси, Архимед, Ньютон, Паскал, Мендел, Кўп, Вўлф... қонунлари, Менделеев ва карра жадваллари дунёнинг барча бурчада турли тилда, аммо бир хил мазмунда «кичқиради». Бу — биринчидан.

Иккинчидан, билим кишилар эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилиши лозимлигини минг йил бурун Абу Райҳон Беруний бобомиз айтиб кетганларидан кўпчилик беҳабарга ўхшайди. Кишилар — минглаб, миллионлаб одамлар эҳтиёжлари йиғилиб миллий эҳтиёж-манфаатга айланади. Табиий ва аниқ фанларда қўлга киритилган янгилликлар, кашфиётлар кўз қорачигидек асралиши ҳам шундан. Ҳар бир давлат, ҳар бир ишбилармон ўзи яратган ёки ўзида яратилган ихтирони бировга бериб қўймайди. Математика, физика, генетика, доришunosлик... умуминсоний кадрятлардир, илм-фан бутун дунёга тегишли, ундан барча баҳраманд бўлиши даркор, деярлади. Аммо сирини бировга айтмайди. Нега? Жавоби жуда оддий ва ўша-ўша: кишилар эҳтиёжининг тижоратлашгани, сиёсийлашгани, давлатлашгани, миллийлашгани.

Агар сирини очиб қўйсачи? Урди худо! Сотқинларни топши, бўйнига қўйиш, кесиш борасида кишилиқ нималарни ўйлаб топмади, дейсиз. Бу ҳам етмагандек, сотқинликнинг энг «ёрқин» намуналари асрлар оша тилдан-тилга ўтиб боради. Бу, айниқса, уруш-талаш илми

билан боғлиқ ҳолатларда кўп учраб туради. Масалан, ҳарбий билимлари бизникидан неча бор устун бўлмасин, ўрислар Тошкентни улардан кўра яхшироқ билган бирикми «қоракўз»нинг тавсияси билан узил-кесил ҳолдан тойдириб, сўнг 126 йилга эгаллашга эришганлари ҳаммамизга яхши маълум. Бошқача айтганда, бирон нарса ҳақидаги билимларнинг сотилиши кишилар, бутун бир миллат бошига фожиа фалокатлар ёғдириши ҳеч гап эмас экан.

Демак, учинчи ва асосийси, олим бўлма, одам бўл! Одам бўлсанг, миллат бўласан! Табиий ва аниқ фанлар бўйича кишилиқ учун энг тер тўққан, янгиллик ва кашфиётларнинг энг сарасини икки қўллаб дунёга тақдим этган миллат битта бўлса, бу ҳам ўзбеклардир. Иккита ёки ўн та бўлса, бири бизмиз. Бироқ, шунга қарамай, бир парча ўлимлик сурулға зор бўлган, ўзини ўзи хор қилган миллат ҳам ўзимизмиз. Машрабни дорми оспан, Чўлпон, Абдулла Қодирӣни ажалидан беш кун бурун гўрга тиккан, Ҳабиб Абдулла, Иброҳим Мўминни химоя қилолмаган, Шароф Рашиднинг арвоҳини чирқиратган, Абдулла Орифга тириклигида ўлим тилаган ҳам ўзимизмиз.

Нега биз шундай бўлиб қолгандик? Ушбу оғриклик саволга энг оддий ва ҳаққоний жавоб 2019 йил кўкламида миллий етакчимиз томонидан берилди: «Биз узоқ вақт давомида била туриб, онгли равишда одамларимизни онгсиз қилишга уриндик».

Инсонни, бутун бир миллатни онгсиз — манқурт қилиш, бир-бирини сотиш, ғажиш, қиришдан лаззатланиши, юрти — хотин номуси, бола-чақаси эртаси, ота-болари мазорини сотиши, босқинчиларга ўғлини қул, қизини чўри қилиб бериши, бойликларини икки қўллаб топшириши ва, вой дод, буларнинг баридан фахланиб юриши учун нима қилмоқ керак?

Тили, адабиёти, саънати, тарихидан айириш керак. Бировнинг тилини мактаб, ўз тилини нўхталаш керак,

бировнинг шоирига ҳайкал, пойига гул қўйиб, ўзиникини оёқ ости қилиш керак, бировнинг санъатини кўкка кўтариб, ўзиникини ерга уриш керак, бировнинг тарихини ўргатиб, ўзиникини кесиби-кесиби, балчиқча булғалаб-булғалаб ташлаш керак. Ана шунда бисотида Хоразмий, Фарғоний, Сино, Беруний, Замахшарий, Чағмий, Улуғбек, Али Қушчи, Навоий, Бехзод, Машраб, Томир хотун, Широқ, Спитамен, Торобий, Жалолиддин, Темур Малик, Амир Темур, Сароймулкхоним, Шоҳрух ва Бойсунгур сингарилардан ўн мингга бўлсин, билинги, алардан заррача бўлса-да, фойда чиқмас. Тили кесик, сўзи тўмтоқ, кўзи кўр, эси йўқ кишилар тўдаси бамисоли подадир! Унга математикаю биология, физикаю кимё қанча ўқитилмасин, бефойда! Негаки унда ҳайвонни инсон, оломонни халқ, халқни миллат, давлатини буюк қилувчи бош омил — миллий онг ва миллий тафаккур, демак, миллий гурур йўқ!

2016 йил кузида ҳар биримиз ва миллатимиз ҳаётида бошланган, табиий ҳамда кутилмаган қийинчиликларга қарамай, кундан-кун авж олаётган сифат жиҳатдан янгиланиш босқичи кўп нарсаларда кўзимизни очди. Жумладан, юқорида айтилган ҳақиқатларга ҳам. Эскича ишлаш, яшашига энди кўнмаймиз. Негаки, айнан тилга олинган паллада — бундан уч ярим йил бурун миллатимиз борлигида хорлик даври туғаб, хурлик замони бошланди. Хурриятнинг тили узун, сўзи ўткир, кўзи ойдин, эси бутундир. Эркин инсон ва миллат эса, ким нима деса, қўниб кетавермайди. Энди бундай бўлмайди ва бўлмаслиги ҳам керак! Айниқса, Чўлпонимиз ярқираб турган шу кунларда!

Кўнгли, сен мунчалар нега Кишилар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сўстлашдинг?  
Ҳақорат дилин оғритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишилар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синамасми?  
Тириксен, ўлмагансен,  
Сен-да одам, сен-да инсонсен.  
Киши кийма,  
Бўйин эзма,  
Ки сен ҳам хўр тугулгонсен!

Тарих гувоҳлик берадики, асрлар давомида юртимиз кўп марта талон-торожлар, истилоларни бошидан кечирган. Бу халқ мол-мулки, бойлиги, ер-суви, ҳатто эркини қўлдан бой берди. Фақат тили, эътиқоди ва ўзлигини асраб қолди.

# МИЛЛАТ РУҶИДИР



Хуршид ДУСТМУХАММАД,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
филология фанлари  
доктори

Мамлакатимиз Халқ таълими вазири ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири шу йил 9 июль кунги брифинг чоғида тарқатган маълумотлари зиёли миллатдошларимизни бамисоли пандемия вирусини юқтиргандек ҳолатга туширди. Чунки сўз ўрта мактабларда она тилининг ўқитилиши, олий таълим муассасаларида эса тарих фанининг ўқитилишига доир ислохотлар ҳақида бормоқда. Зеро, сўз юритилаётган ҳар икки фан шахснинг инсон ва фуқаро сифатидаги камолоти – маънавиятининг ўзақ пойдеворини ташкил этади.

Жадал ислохотлар даврини бошдан кечириётган жамиятимизда тилга олинган ҳар икки тизим ислохотлар силсиласидан четда қолмаслиги табиий. Хусусан, халқ таълими тизими ҳам, олий таълим тизими ҳам ниҳоятда ислохотга муҳтож соҳалар бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳурматли вазирларимизга осон тутиш адолатдан бўлмади деб ўйлайман. Бироқ, вазиятнинг ҳеч бир мураккаблигини истисно этмаган ҳолда муаммоларни четлаб ўтишнинг ҳам иложи йўқ.

Тараққиёт шиддати муттасил янгилашиш, ривожланиш, янгидан-янги ислохот доволларини енгиб ўтишни тақозо этмоқда. Яъни, замон талабига мос равишда изчил янгилаша бориш, ривожланиш йўлларини излаш табиий ҳол. Бироқ моҳиятан олганда ҳар қандай ислохотдан мақсад-муддао нима деган савол туғилади. Лўнда қилиб айтганда, мақсад-муддао муайян тизимда самарали фаолият юритишни таъмин этувчи оптимал ва оқилона муҳит яратиш! Барқарорликка эришиш! Энди уйлаб кўрайлик: шўролар давридаги «стабиллик»ни қўя турайлик. Ушандан буён ўтган 30 йил мобайнида халқ таълими ва олий таълим тизимида барқарорликка эришилди-ми? Барқарор (стабил) тизим яратилди-ми? Ваҳоланки, ислохот бирор кун тўхтагани йўқ, давомли ислохотлар «шарофати» билан

эса ҳар иккала соҳа... туб-тубидан ислохотга муҳтож соҳага айланди. Аҳвол оғирлашса оғирлашдики, яхшилангани йўқ.

«Шарофати» деганда, мен ҳозирга келиб, мамлакатимиздаги бирорта (!) соҳада юқори малакали кадрларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги мазкур икки тизимдаги парокандалик, беқарорлик оқибати эканлигини назарда тутмоқдаман. Нафақат кадрлар тақчиллиги, умумий савиянинг қониқарсизлиги ҳам авваламбор мазкур икки тизимдаги норасоликлар оқибатидир. «Сифат» сўзининг ўз ўрни бор, лекин кўчма маънода, «фуқароларимизнинг сифат даражаси», «халқ таълими тизими сифат даражаси», «олий таълим тизими сифат даражаси» деган бирикмалар қўллansa, кўп ҳақиқатлар ойдинлашади назаримда.

Халқнинг, миллатнинг, пировардида жамиятнинг тақдирига бевосита дахлдор масалаларда ислохот тақдирини айна ҳозирги ҳолатдаги, кайфиятдаги ва даражадаги вазирликларга ишониб ташлаб қўйиш қанчалар тўғри бўларкин?

Бу сафар ислохот исканжасига... ОНА тили рўпара келганига нима дейсиз?! Она тили ортиқча ўқитилаётган эмши! Она тили ўқитиладиган соат керак бўлибди... кимларгадир! Ана, холо-о-о!

Ҳурматли вазирларимиз томонидан берилган талқинни ўқиймиз: «Мактабларда асосий масала дарс соатлари таллашиш экан. Фақат сонга ишланади ва сифатга эътибор берилмайди. Хўп, шу пайтгача ўқитилди ҳам дейлик, лекин жуда яхши бўлган жойи йўқ-ку.

Бизда грамматика масалалари жуда кўп ва она тилини ўқитиш қийин. Кўриб турганингиздек, бунинг натижасида ҳамма томон саводсиз бўлиб кетди. Бизнинг мақсадимиз сонга эмас, сифатга эътибор қаратиш».

Она тили ўқитиладиган соатларни қисқартирилишини асослай оладиган омилларми шулар? Афсуски, бу ёш тажрибасиз блогернинг шошма-шошарликдаги изоҳи эмас, мен шахсан самийий ҳурмат қиладиган Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг жавоби, изоҳи, уқдириши!

Ахир мактабларда сифатга эътиборнинг сусайиши, кшу пайтгача ўқитилди, лекин жуда яхши бўлган жойи йўқлиги, «...ҳамма саводсиз бўлиб кетгани» УЗИМИЗ жорий этган адоқсиз ислохотлар оқибати эмасми?! Уқитувчини мактабдан, профессорларимизни олий таълимдан бездираётган, кўнглини совутаётган УЗИМИЗ, УЗИМИЗ яратган ва амалиётга жорий этиб келган тизимлар эканлигини айна тан олиш вақти эмасми, ҳозир?! Ахир сифатни ким кўтарди? Вазирлик кўтарди! Вазирлик эса сифат хусусида қайғуришни ОНА тилини ўқитиш соатларини қисқартиришда деб билмоқда...

Таассуфлар бўлсинким, олий ва ўрта махсус таълим тизими узок йиллар амал қиладиган мукамал

ва стабил тамойил яратиш бора-сида халқ таълими тизимидан заррача ортада қолаётгани йўқ. Чуқур ва атрофлича ўйланмай ихтиро қилинаётган ислохотлар узокқа бормаслигини, самарасиз эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Камида кейинги 10 йил ичида олий таълим тизимининг нуфузи аянчли даражага келиши, хусусан ОТМда илмий салоҳиятнинг энг қуйи поғонага қадар пасайиши билан боғлиқ камчиликларни биринчи навбатда олий таълим вазирлиги зиммасига олмоғи керак (бу борадаги Олий аттестация комиссиясининг «хизматлари» алоҳида мавзу!). Илм-фан йўлини танлаган не-не кадрлар сарсон-саргардон этилмади, олий ўқув муассасаси домласи асабларни қақшатувчи не-не текшир-текширлар, мақсадсиз ҳисоботлар чиғирига ташланмади. Ҳали олий таълим тизими бу сингари «оқилона» ислохотлар «муолажаси»дан батамом фориғ бўлганича йўқ.

Энди ким ортиқча – ижтимоий-гуманитар соҳа ортиқча! Ижтимоий-гуманитар йўналишидаги тақдор

бор қилиш мушкул. Ушбу оддий ва халқона ҳақиқатни унутмайлик ахир. Ёшларимизнинг маънавий дунёси тарбияси билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий-гуманитар фанларга, жумладан, тарих фанига белисанд қараш, уларни ортиқчага чиқариш, баҳридан ўтиш оқибатини исботлашга ҳаракат қилишнинг ўзи ортиқча. Тасаввур қилайлик, иккала тизимда айтилаётган ислохот жорий этилган тақдирда, унинг оқаваси-асорати қарергача, қачонгача боради?

Дарсликлар ўзгаради, ўқув соатларига ўзгаришлар киритилади, олий ўқув юрларидаги ушбу мутахассисликлар бўйича ўқишга бўлган рағбат сўнади, тўғри таъкидланганидек, дарс соатларини таллашиш авжига минади, энг муҳими, ўқувчи ва талаба, шунингдек, муаллим-мураббийларимиз онги, дунёқарашиде «аҳамияти пасайтирилган фанлар» тушунчаси шаклланади! Бундан келиб чиққан лойқаланиш – беқарорлик неча йилда тинади, тинчийди, изга тушади – ҳеч ким

лар етарли, халқаро миқёсдаги илмий-педагогик ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Бир қатор ўқитувчилар номзодлик ва докторлик диссертацияларини тугаллаш арафасида туришибди. Факультетда таҳсил олган ўнлаб талабалар мамлакатимиздаги тегишли соҳада қизгин фаолият юритмоқдалар. Хорижий тилларни ўрганиш борасида университет имкониятлари улкан. Шунга қарамай, бу факультет керак эмас! Тўпланган тажрибанинг ҳам, салоҳиятнинг ҳам – ҳаммасининг баҳридан ўтилади, муҳокамалар ортиқча!

Янги ташкил этилаётган факультетлар ўз номи билан янги, улар мавжуд талаблар даражасида фаолиятни йўлга қўйишлари жуда-жуда осон кўчмаслиги ҳам табиий. Мана шундай шароитда, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети йўналиш сифатида тугатилиши қайси мантиққа сиғади? Ким қайғуради бу ҳақда? Фуқаролик жамияти қураётган, оммавий коммуникация ва журналистика ҳаётиимизнинг барча қатламларига кириб бораётган, хусусан, бу борада малакали кадрлар тақчиллиги яққол кўзга ташланиб қолаётган бир паллада шунча тажриба ва салоҳиятга эришган факультетнинг пайини қирқиш кимга фойда, кимга зиён?! Олий таълим вазирлигидаги мутасаддилар, шахсан ҳурматли вазиримиз Инъомжон Маждидов бевосита қайғурмоғи, жон койитмоғи зарур бўлган масала эмасми?!

Шу ўринда бир мулоҳазани таъкидлашга тўғри келади. Мактабларда она тили, олий ўқув юрларида ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан тарих фанини ўқитиш тартибини ислохот қилиш масаласи ҳар икки вазирлик мутасаддиларининг шахсий ташаббуси, нуқтаи назари эмасдек. Дейлик, вазирлик курсисини бошқа шахслар эгаллади деб фараз қилайлик, аҳвол ўзгарадими? Ишончи қийин. Чунки «Бизга, – дейди Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, – икки йил аввал халқ таълими тизимида ўқитиладиган фанларни оптимизация қилиш вазифаси қўйилган эди. Бунда режа 10 фоизгача қилиб белгиланган». Демак, вазирлик топширилган вазифани адо этмоқда, холос. Бу нимадан далолат беради?

Фикримизча, вазир ҳам, вазирлик ҳам ўз соҳаси доирасида мустақил фаолият юритмоғи, ўз фаолиятида кучли жамоатчиликка, махсус мутахассислар жамоасига сўянмоғи керак. Жўн қилиб айтганда, ҳар бир ишда «машварат» (Амир Темурнинг ибораси) йўлини танлаша, бамақсат иш юритсагина ва шу орқали бошланаётган ислохотларнинг нечоғли оқилона эканлигига ҳолис муносабат билдирса, жон койита олсагина Президент истаётган, халқ орзу қилаётган натижаларга эришилади – тизимда БАҲҚАРОРЛИК йўлга қўйилади. Акс ҳолда... самарасиз ислохотвозлик давом этади!

”

Партия ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини янада ошириш, мамлакатимиз ва хорижда уни кенг тарғиб этиш мақсадида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, расмий ҳамда оммавий муомалада бўлган ўзбек адабий тилининг меъёр ва қондалари бузилишининг олдини оладиган аниқ ва мақсадли ишларни олиб боради.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ  
САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

дарслар қисқартирилса олам гулистон! Ана, сизга ислохот! Мана сизга ечим! Фарзандларимиз маънавиятича, тарбиясида дахлдор фанлар ортиқча ўқитилмоқда, шундайми? Мактабда, лицейда, олий ўқув юртида тақдор-тақдор ўқитиб, боланинг бошини қотиришдан фойда йўқ, шундайми? Хой, азиз биродарлар, фалсафа, тарих, маънавият, нафосат, ахлоқ, миллий гурур, нафсоният ва ҳоказо масалалар ҳар кунни ўқитилса оз! Бир умр ўқитилса оз! Шарқона комиллик, ўзбекона миллий ахлоқ-одоб қадриятлари глобал оламнинг энг оммабоп халоскор кучига айланиб қолаётган бир пайтда биз ўзимиз ундан воз кечишга энг шимаришимизни қандоқ тушуна-миз? Ваҳоланки, нафақат ўқувчи, талаба, балки жамиятда эгаллаган мавқеидан қатъи назар, ҳатто вазирлик мартабасидаги инсон учун ҳам зарур бундай ўқиш, бундай таълим. Қанча кўп ва узлуксиз ўқитилса, шунча яхши!

Борни йўқ қилиш жуда осон, йўқни

айтолмайди.

Айни шу куннинг нафасига ҳамоҳанг мисолни ўртага ташлаш мавриди келди.

Келаётган ўқув йилидан Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд чет тиллар университети ҳузурида халқаро журналистика факультетлари очилиши кўзда тутилди. Соҳа эгалари учун, ушбу касбни танлаган ёшлар учун қувонарли янгилик! Халқаро миқёсдаги журналист кадрлар тайёрлаш давлат аҳамиятига молик масалага айланаётган бир пайтда айни мақсадга мувофиқ воқеа! Бироқ... бироқ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таркибидagi халқаро журналистика факультетига талабалар қабул қилиниши тўхтатилди (Ўзбекистон Миллий университетининг 50 йиллик тажрибага эга журналистика факультети ҳам шундай қисматга дучор этилди). Мазкур факультет 20 йиллик тарихга, тажрибага эга. Илмий салоҳият етарли, махсус адабиёт-



Олимжон ДАВЛАТОВ,  
адабиётшунос олим

Бир нарсга ақлим етмайди: барча жабҳада «хориж тажрибаси»ни дастак қилишга одатланган айрим мутасаддиларимиз айнан ўзбек тили муаммоларига келганда «ўзимизга хос ва мос» усулларни қўлламоқчи бўладилар. Ҳеч кимга сир эмаски, мактабда инглиз тили, жисмоний тарбия, муסיқадан таълим берувчи ўқитувчи алоҳида устама ва имтиёзлар билан бошқа касбдошларидан «мумтоз» этилади.

Адабиёт ё тарихдан дарс берадиган ўқитувчи эса «ватанпарварлик тимсоли»га айланиши шарт. Унинг рўзғори, яъни моддий имкониятлари инглиз тилидан дарс берувчи касбдошдан маҳдудроқ экани ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди ҳам. Устига-устак, кейинги икки ҳафта ичида жамиятимизда айна она тили ўқитувчиси соат учун талашадиган жанжалкаша айланди-қолди...

Тўғри, кейинги йилларда ўқитувчиларга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Аммо партасидаёқ чет тили ва маданиятига маҳлиёлик (истаган мактабга бориб, инглиз тили ҳамда ўзбек тили кабинетларини кўринг, сабабини тушунгандек бўласиз) руҳида таълим олаётган қорақўзларимиз эртага ўз она тилида фикрини эркин ва аниқ баён

этолмаса, кимдан ўпкалаймиз?!

Тарих гувоҳлик берадики, асрлар давомида юртимиз кўп марта талон-торожлар, истилоларни бошидан кечирган. Бу халқ мол-мулки, бойлиги, ер-суви, ҳатто эркини қўлдан бой берди. Фақат тили, эътиқоди ва ўзлигини асраб қолди, холос. Шулар туфайли у яна хурриятини қўлга киритди. Яна ўзбек бўлиб, дунёда ўз сўзини айта бошлади.

Аммо мустақил бўлатуриб, ўз тили тақдирига нописандлик ҳолатини ҳеч қандай сабаб ва омиллар билан изоҳлаб бўлмайди. Лингвист олимларнинг хулосасига кўра, чет тилини ўзлаштириш сифатини яхшилаш она тилининг таълими сифатига бевосита боғлиқ экан.

Демак, таълимда керакли натижани қўлга киритиш учун энг аввало ўзбек тили таълимига эътибор кучайтирилиши лозим

Аниқ ва табиий фанлар, чет тилини хориждан мутахассис қақириб ўқитиш мумкин, аммо ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек халқи тарихидан фақат Ўзбекистонда, ўзимиз таълим беришимиз керак.

Ўзбек боласига аллани ўз онаси айтсин, чет эллик энагамас!

Я

на Халқ таълими вазирлигининг кечаги кунги чиқишига қайтсак. Унда «Бугун таълим тизимининг асосий мақсади боланинг дарс соатларини кўпайтириш эмас, балки давлат бюджети доирасида ажратилган соатлардан имкон қадар самарали фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширишдан иборат. Биз ҳар бир мактаб битирувчисини филолог эмас, ўз она тилини тинглаб, ўқиб тушуна оладиган, тўғри ёзишни биладиган ва оғзаки нутқи раво бўлган шахс сифатида тарбиялашни мақсад қилганмиз» дейилади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, мактабларимизга давлат бюджети ҳисобидан триллионлаб маблағ сарфланаётган бир пайтда нима учун оналар репутаторлар ёллаб, ўз фарзандларини олий таълимга киритяптилар, нега битирувчиларнинг 50 фоизи ҳам олий таълимга қира олмаяпти? Халқ таълими тизимидаги ўғирликлар, тобора авж олаётган коррупция, мактаблардаги, айниқса, чекка ҳудудлардаги оғир шароитлар ҳақида гап очсак, ўзларини юмронқозикча айлантириб оладиган мутаасаддилар ҳеч бўлмаса шу сафар ҳар қандай хорижий тилни ўзлаштириш сифатини яхшилаш энг аввало она тилининг таълим сифатига боғлиқ эканини тушунмаётганликларини тан олсалар бўлармиди...

Қўшаҳифа материалларини Равшан МАҲМУДОВ ва Одилбек РАҲМОНОВлар тайёрлашди.



Киши ўздан қанчалик мамнун экан, унда мамнун бўладиган хислатлар шу қадар камдир.

А. Н. ТОЛСТОЙ

✓ Худудий кенгашларда

Хоразм вилояти:

Шовотлик депутатларнинг «ўз» музейлари бор

Партиянинг Шовот туман кенгаши ҳамда маҳаллий депутатлар ташаббуси билан туман тарихига тегишли тарихий-этнографик экспонатлар, осори-атикаларни асраб-авайлаш, янада бойитиш мақсадида «Ар-боблар» маҳалласида кичик музей ташкил этилди.



Бухоро вилояти:

Энди стадионга дорихона қурилмади!



Депутат Абдулло Нарзуллаевга «Армечан» маҳалласи аҳолиси мурожаат қилиб, Сеталон қишлоғидаги стадион худудидан дорихона учун ер ажратилишидан шикоят қилишган. Депутат ушбу масалани ўрганиб, Гиждувон туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Кўп ўтмай ҳокимлик мутахассислари қарор нотўғри қабул қилинганини тасдиқладилар. Энди дорихона бошқа жойда қуриладиган бўлди.

Тошкент шаҳри:

Пойтахтда шундай депутатларимиз бор экану...

Юнусободлик Зулфия Фурқатовна туман кенгаши депутатларидан уйининг чала қолган таъмирини яқунлашда ёрдам сўраган эди. Яқинда Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туман кенгаши депутатлари Жаҳонгир Зияев ва Рустам Наврузовлар икки нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Зулфия опа хонадонидан бўлиб, оиланинг шарт-шароти билан танишдилар. Ва, шу куннинг ўзидаёқ ушбу хонадонга қурилиш материаллари келтирилди. Энг муҳими, уста ҳам ёлланди.



Фаргона вилояти:

Депутатга саховатпеша инсонлар йўлдош бўлмоқда



Фаргона вилоят кенгаши депутати Моҳидилхон Эргашевани сайловчилар роса дуо қиладиган бўлиши. Айтишларича, депутат ташаббуси билан Бешариқ туманидаги «Чимбой» ва «Шўр» МФЛларида яшовчи, кам таъминланган фуқаролар хонадонларини таъмирлаш, томорқаларини тартибга келтиришга киришилибди. Бундай хайрли ишларда саховатпеша инсонлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Навоий вилояти:

Темирқовуқликлар ўз депутатидан рози

Депутат Фарҳод Эрмаков Темирқовуқ қишлоғи аҳолиси мурожаатига асосланиб, Нурота туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғига «Депутат сурови» юборган эди. Ушбу суровда кўтарилган масалага ижобий ёндашилиб, қишлоқ кўчаларининг 5 километри таъмирлана бошланди.

Сирдарё вилояти:

Яна ҳунар ўрганадан деганлар борми?



Гулистон туман кенгаши депутати Гулнора Мамасолиеванинг саъй-ҳаракатлари билан унга яқин аёл гилам тўқувчига айланди. Хусусан, гиламдўз Фарида Ишбаевага дастлаб тўрт нафар ишсиз аёл бириктирилган бўлса, айни кунларда яна беш нафар аёл уста ҳунарманддан гилам тўқиш ва бўяш сирларини ўрганмоқда. Бунинг учун зарар бўлган барча хомашё депутат томонидан келтириб берилмоқда.

Наманган вилояти:

Кўзи ожизларнинг қалб кўзлари очик

Наманган шаҳар кенгаши депутати Шамсиддин Қаюмовга Шаршара маҳалласилик кўзи ожиз фуқаролар шикоят қилиб, уйлари яқинида пайдо бўлган чиқиндиҳонадан азият чекаётганларини айтишганди. Яқинда депутат ушбу масалада «Тоza худуд» корхонасига сўров чиқариб, масалани ижобий ҳал қилди.

Раҳбарларимиз кўзи ожиз, ҳеч насани кўрмайди қабилда иш тугиб, муаммони ҳал қилмай келаётган эдилар. Гарчи кўрмасакда, қалб кўзимиз очик, — дейди шаршаралик фуқаролардан бири муаммо ҳал бўлганидан хурсанд бўлиб.

Сухбатдошимиз ҳақида:  
Раҳимбой Жуманиёзов — “Энг яхши воиз” Республика кўрик-танлови совриндори, филология фанлари номзоди, доцент, Antique world — “Антик дунё” Халқаро илмий академияси академиги. Уқувчилар тилига тушган бир қанча китоблар муаллифи. “Қора илон”, “Бегона” ва “Ота” номли бадиий фильмлар продюсери ҳамда ҳаммуаллифи.

НОТИҚЛИК ВАНУТҚ — ТАРҒИБОТЧИНИНГ ШАХСИЙ КУРОЛИДИР

— Раҳимбой оға, суҳбатимизни нотиқлик санъатига қизиқшингизга нима туртки бўлган, деган савол билан бошласан?

— Мен мактабга чиққанимда «р» ҳарфини талаффуз қила олмас эдим. Эсимда алифбе байрами эди. Ушанда менга «р» ҳарфи тушганди. Катта ҳарфини ушлаб олганман. Охирабди обод бўлсин, онам она тили ва адабиёти фанидан 55 йил дарс берганлар. Буни кўриб, ўғлим «р» ҳарфини айтолмайдику, ҳамманинг олдида шарманда бўлади деб, ўқитувчимизга нолийдилар. Биринчи ўқитувчим исми Раҳимбой бўлган учун «р»ни берибман деб, шартта бориб «в» ҳарфига алмаштирилганлар. «Р» ҳарфида «Ракеталар учар осмонга» деган жумлада биттагина «р» бор экан, холос. «В» ҳарфидаги матн ичи эса тўла «р» экан.

«Вали бойда зўр ит бор,  
Бўйида тасмаси бор.  
Кўрииб қолса биров,  
Олиб келади дарров».

Ушанда ана шу шеърдаги барча «р» ҳарфларини «й» деб талаффуз қилганман. Биринчи қаторда Қадамбой оға деган ўқитувчимиз ўтирардилар. У кишининг «Амалладин, Иайимбой», дегани ҳеч эсимдан чиқмайди. Шу ҳолат менга қаттиқ таъсир қилган. Шунинг учун ҳам ўз устимда кўп ишлашга тўғри келган.

Кейинчалик билдимки, ҳатто машур файласуф ва нотиқлар Марк Тулий, Цицерон, Демосфен ҳам «р»ни тўғри талаффуз қилолмаган экан.

— Келин, нотиқлик санъатининг тарихи, бугуни ва эртаси тўғрисида гапласан.

— Биласиз, гарчи нотиқлик санъатининг вужудга келиши қадимги Рим ва Грецияга бориб тақалса ҳам Урта Осиёда бу санъат кенг тараққий топан. IX-XV асрларни Шарқ мамлакатларида «Ренессанс» (уйғониш) даври деб аташади. Бу даврда бошқа фанлар қатори нотиқлик ҳам кенг ривожланди. Сир эмаски, Имом Бухорий, Фаробий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур, Хусайн Воиз Кошифий каби кўплаб буюк аллома ва саркардалар юксак нутқий маҳоратга эга бўлганлар. Улар қисқа нутқ ирод этиб, оммани ўз орқасидан эргаштира олганлар. «Ал-Муаллим ас-соний» — «Иккинчи муаллим» дея улуғланган бобомиз Фаробий эса 70 та тилни билган эканлар. Урта осийлик мутафаккирлардан бири Мирза Абдулқодир Бедилга эса Шарқ Гегели деган унвон, тавсиф берилганки, бу унинг Шарқда юксак маънавият ва маърифат эгаси бўлганини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳам нотиқлик кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Фақат сиб-сатчилар, олим ва журналистлар нотиқ бўлиши керак деган тушунча йўқ. Нотиқликнинг айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ўрни бекиёс. Баъзан дўконга кирганингизда сотувчилар ўзларининг чиройли муоаласи билан маҳсулотни шу қадар таърифлайдиларки, қандай сотиб олганингизни билмай қоласиз. Бухорода ҳам 10 ёшлар атрофидаги қизчаларнинг хорижликларга инглиз тилида бийрон сўзлаб, миллий ҳунармандлик маҳсулотларини сотаётганига бир неча марта гувоҳ бўлганман. Албатта, буни профессионал нотиқлик демоқчи эмасман.

Аммо жамият тараққий этган сари нотиқлик ва сўз санъати ҳам ривожланиб бораверади. Замон ривожининг дунёқараши жадал ривожланган ва юксак тараққий этган технологиялар даврида нотиқликнинг ўрни янада ошади. Жаҳон миқёсида халқ қалби ва онги учун кескин ва шафқатсиз кураш кетаётган бир пайтда бу жараёнга қарши чуқур билим ва маърифат билан жавоб бериш, воизлик маҳорати орқали фикр етказиш санъатини эгаллашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

— Айтингни, партия ходимларининг нотиқлик маҳоратини ошириш учун нимага эътибор қаратиш керак?

— Гарчи партияларнинг гоё ва мафкуриси бир-бирдан фарқ қилса-да, лекин мақсадлари битта — мамлакат тараққиёти ва ривожига хизмат қилиш. Партиянинг гоё ва мафкураси қачон ҳаракатлантирувчи кучга айланади? Қачонки, партия ходими бу гоёларни тушунарли қилиб оммага етказса олса, моҳиятини тушунтира билса. Тарғиботда керакли ва фойдали ахборотни етказиш мақсадида нутқини чиройли ва ишонарли ифодалаш ниҳоятда муҳим саналади. Нутқнинг таъсирчанлиги бугунги кун нотиқнинг замонавий воқеа ҳодисалар, илм-фан янгиликлари ва мамлакатдаги сиёсий жараёнлардан қай даражада хабардорлигига боғлиқ. Тингловчиларга ҳақиқатни етказиш ва уларни ў ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш билан боғлиқ ҳар қандай ахборот узатиш жараёни ўзаро боғлиқ учта унсурдан ташкил топади.

Биринчи унсур — исботланиши керак бўлган фикр.

Иккинчиси — фикрнинг тўғрилигини исботловчи асос ва далиллар. Учинчиси — намойиш, яъни фикр ва асос, далиллар ўртасидаги алоқани кўрсатувчи мантиқий боғланиш.

Нотиқ ўз нутқида фикрлари маъносига ҳамоҳанг тарихдан, адабиёт, санъат ва ҳаётдан мисоллар келтири билиши керак. Яъни, нотиқлик кўп ўқиш, мақол ва ибораларни, ҳикматли сўзлар, таъсирли шеърларни ёддан билишни ҳам талаб этади. Нотиқлик, авваламбор, ишонтириш санъати эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг учун далилларга бой, асосланган таъсирли нутқ зарур.

Партиялар кучли бўлиш учун эса моҳир нотиқлардан иборат тарғиботчиларга эга бўлиши, ҳар бир партия ходими нутқ ирод эта би-

да сотувчилар ўзларининг чиройли муоаласи билан маҳсулотни шу қадар таърифлайдиларки, қандай сотиб олганингизни билмай қоласиз. Бухорода ҳам 10 ёшлар атрофидаги қизчаларнинг хорижликларга инглиз тилида бийрон сўзлаб, миллий ҳунармандлик маҳсулотларини сотаётганига бир неча марта гувоҳ бўлганман. Албатта, буни профессионал нотиқлик демоқчи эмасман.

Аммо жамият тараққий этган сари нотиқлик ва сўз санъати ҳам ривожланиб бораверади. Замон ривожининг дунёқараши жадал ривожланган ва юксак тараққий этган технологиялар даврида нотиқликнинг ўрни янада ошади. Жаҳон миқёсида халқ қалби ва онги учун кескин ва шафқатсиз кураш кетаётган бир пайтда бу жараёнга қарши чуқур билим ва маърифат билан жавоб бериш, воизлик маҳорати орқали фикр етказиш санъатини эгаллашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

— Айтингни, партия ходимларининг нотиқлик маҳоратини ошириш учун нимага эътибор қаратиш керак?

— Гарчи партияларнинг гоё ва мафкуриси бир-бирдан фарқ қилса-да, лекин мақсадлари битта — мамлакат тараққиёти ва ривожига хизмат қилиш. Партиянинг гоё ва мафкураси қачон ҳаракатлантирувчи кучга айланади? Қачонки, партия ходими бу гоёларни тушунарли қилиб оммага етказса олса, моҳиятини тушунтира билса. Тарғиботда керакли ва фойдали ахборотни етказиш мақсадида нутқини чиройли ва ишонарли ифодалаш ниҳоятда муҳим саналади. Нутқнинг таъсирчанлиги бугунги кун нотиқнинг замонавий воқеа ҳодисалар, илм-фан янгиликлари ва мамлакатдаги сиёсий жараёнлардан қай даражада хабардорлигига боғлиқ. Тингловчиларга ҳақиқатни етказиш ва уларни ў ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш билан боғлиқ ҳар қандай ахборот узатиш жараёни ўзаро боғлиқ учта унсурдан ташкил топади.

Биринчи унсур — исботланиши керак бўлган фикр.

Иккинчиси — фикрнинг тўғрилигини исботловчи асос ва далиллар.

Учунчиси — намойиш, яъни фикр ва асос, далиллар ўртасидаги алоқани кўрсатувчи мантиқий боғланиш.

Нотиқ ўз нутқида фикрлари маъносига ҳамоҳанг тарихдан, адабиёт, санъат ва ҳаётдан мисоллар келтири билиши керак. Яъни, нотиқлик кўп ўқиш, мақол ва ибораларни, ҳикматли сўзлар, таъсирли шеърларни ёддан билишни ҳам талаб этади. Нотиқлик, авваламбор, ишонтириш санъати эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг учун далилларга бой, асосланган таъсирли нутқ зарур.

Партиялар кучли бўлиш учун эса моҳир нотиқлардан иборат тарғиботчиларга эга бўлиши, ҳар бир партия ходими нутқ ирод эта би-

лиши ва ёза олиши керак. Ҳар нарсанинг ўзига мос ва хос қалити бор. Дил — қуф, сўз — қалит. Албатта, нотиқ бирор аудиторияга кириб борганида, тингловчиларнинг аксарияти унга инкор кўзи билан қарайди. Бу табиий ҳол, албатта. Сиз айтган фикр ва мулоҳазадан кейин ана шу инкорни тасдиқ ва меҳр кўзларига айлантира олсангиз ютуқ сизники.

Шу ўринда партияларга сўз ва амал бирлиги муҳимлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Гоёнгни чиройли қилиб тушунтирдигиз, ваъдалар бердингиз. Марҳамат қилиб энди уларни бажариб қўйинг. Амалий иш бўлмаса, маълум бир гоёга одамларни ишонтириб бўлмайди. Мутафаккир Умар Хайём айтганларидек:

«Фақат билим билан  
баландмас одам,  
Аҳду вафо билан баланд-  
паст одам.  
Сўзи билан иши бир бўлса агар,  
Ҳар нарсадан азиз,  
муқаддас одам».

— Бугун техника асрида раҳбарлар учун нотиқлик керакми?

— Таълимнинг қалити нутқ билан, муамоланинг қалити эса хулқ билан, дейишган. Нутққа, хулққа эга бўлмаган кишини эса комил инсон деб бўлмайди. Нутқнинг хулқининг ойнаси, хулқнинг нутқининг кўзуси. Инсон тийнатиде миллиятга, маънавиятга, маърифатга эътибор кучли бўлса, у фидойи бўлади.

Бугун оммавий ахборот воситаларидан ҳеч нарсани яшириб бўлмайдиган замон. Айтган сўзи учун тана ва дашонларга қолиб кетаётган раҳбарларни кўрабмиз. Раҳбарнинг бир оғиз сўзи, кўпол муомаласидан халқ кўнгли қолши мумкин. Ундан кейин минг бор кечирим сўраманг, ўрнига тушмайди.

Ҳазрати Навоийнинг:  
Тилга кучи ета олган —  
доишманддир,  
Сўзга эрк берган — пасткак ахмоқ  
деган буюк ибораси аслар оша халқимиз маънавиятининг юксак намунаси бўлиб қолмоқда.

Айтмоқчиманки, ўзини хурмат қилган ҳар бир раҳбар ёки оддий мутахассис аҳоли билан бошқаларнинг иззат нафсига тегмаган ҳолда муомала қилиши керак. Муҳтарам Президентимиз бежиз адабиёт аҳлини, олим ва ёш ижодкорларни кўллаб-қувватлаётганлари, китобхонликка кенг ургу бераётганлари йўқ. Бундан кейин ҳам ҳар қандай даврда ҳам инсонни ҳаракатга келтирувчи куч сўз бўлиб қолаверади. Нотиқлик ва сўз бу тарғиботчининг шахсий қуроли. Ана шу қуролни доимо соз ҳолда тутайлик ва фақат эзгулик йўлида ишлатайлик.

— Домла, фурсатдан фойдаланиб 60 ёшга тўлганингиз муносабати билан муборакбод этамиз. Самимий суҳбат учун эса ташаккур.

Шухрат НАСИМОВ  
суҳбатлашди.



ҚАРШИ ҚАЛЪАСИ

Қарши қалъаси ҳозирги Қарши шаҳрининг Эски шаҳар қисмида XIV асрда бунёд этилган бўлиб, унинг меъморий қолдиқлари бугунгача деярли сақланиб қолмаган. Қарши қалъаси тўғрисидаги маълумотлар 1333 йили худудга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг кундалиқларида ҳам учрайди, бу даврда шаҳарга Чигатой улуси хонларидан бири Тармаширин ҳукмронлик қилган эди.

Қарши қалъаси Кебекхон давридаёқ квадрат шаклида бўлиб, унга тўрт томонидаги тўртта дарвозаси орқали кириб чиқилган. Ибн Баттута ўрда деб аталувчи қароргоҳда тунаган. Сайёҳ тунаган ўрда эса мана шу марказдаги сарой бўлган. Хоннинг қабулхонаси катта, ҳашаматли чодирда жойлашган.

Қарши қалъаси ичидаги жомеъ масжиди кўргонининг ичида подшоҳ Кебекхон дафн этилган. Лекин айрим маълумотларда ушбу масжид Тармаширин даврида фойдаланилган масжид эмаслиги айтилади.

Ҳофиз Абу маълумотида кўра, масжид 1414–1420 йилларда Амир Темурнинг вафотидан 10–15 йил кейинги даврга тегишли. Лекин масжиднинг Амир Темур томонидан бунёд этилгани тўғрисида ҳам маълумотлар йўқ. Амир Темур ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда бунёд этилган ҳар бир иншоот, албатта, соҳибқироннинг ро-

зилиги билан бунёд этилганини инobatга олсак, ушбу масжид қаршилик маҳаллий ҳокимларнинг ташаббуслари билан XIV асрнинг охирида XV аср бошларида бунёд этилганини айтиш мумкин.

Манбаларда қайд этилишича, Эрон шоҳи Шоҳ Исмоилининг лашкарбошиси Нажми Соний томонидан 1512 йилда масжид ва Қарши қалъаси аҳолиси қиргин қилиниб, шаҳар вайронага айлантилган. Шу йили Нажми Соний лашкарлари Гиждувон яқинида тамомила тор-мор этилиб, Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида Қарши қалъаси қайта тикланган. Қарши қалъаси жомеъ масжидининг ярим вайрона харобалари устидан Одина масжиди бунёд этилган. Масжиднинг қад ростлаб турган устунлари, айрим гумбазларидан эса Одина масжид қурилишида кенг фойдаланилган.

Фарҳод ЗАЙНИЕВнинг телеграм каналидан олинди.



Маггур одам камдан-кам олиҳимматдир: у доимо ўзи муносиб бўлганидан кам оялман, деб ўйлайди.  
Г. БИШЕР

## «Ошиқлар сардори» асли ким эди?



Ўзбекистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори Шерали Жўраев таниқли журналист Соҳибжон Алижонов саволларига жавоб беради

— Ассалому алайкум, Шерали ака. Сиз билан юртимизда ҳар куни бир янгилик, ҳар куни бир ўзгариш бўлаётган пайтда суҳбатлашиб турибмиз. Айтинчи, Ўзбекистонда кейинги тўрт йилда рўй берган ўзгаришлар орасида энг муҳими деб, қандай ўзгаришни тилга олган бўлардингиз?

— Албатта, кейинги тўрт йил чиндан ҳам халқимизга кўп нарса берди. Буни ҳамма кўриб-билиб турибди. Асосийси, давлат халқ билан гаплашяпти, дардини эшитиб, давосини ҳам тояпти. Бу энг катта ўзгариш! Одамлар ўзини эркин ҳис қиляпти. Адолат, ҳақиқат, инсоннинг кадр-қиммати мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жуда катта гап, албатта. Бундай ўзгаришларни ҳамма соҳада кўрялмиз. Бирор соҳа қолиб кетаётгани йўқ. Энг қувонтирадигани, зиёлиларга, хусусан, биз санъат аҳлига ҳам жуда катта эътибор қаратилиб, уларнинг фикрига қулоқ солиняпти.

Узимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, маданият, санъат соҳасидаги яхши ишларни ҳам санаб санабоғи етолмайсиз. Мақомга, бахшичиликка эътибор дейсизми, бу санъат турлари бўйича ўтказилган фестивалларни айтасизми. Битта мисол айтмай: яқинда давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш ҳақидаги фармони эълон қилинди. Ана шу фармонда кўп яхши тадбирлар қаторида, жонли ижрода концерт берганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, рағбатлантирилади, деган банд бор. Ана энди эътибор беринг, бу билан биз санъаткорлар, айниқса, чинакам санъат шайдоларининг узоқ йиллар маҳрум бўлган ҳақ-хуқуқлари қайтариб берилди.

Чунки, ўтган даврда кўпгина санъаткорлар, ҳатто муҳлисларнинг ҳам ҳақ-хуқуқи поймол қилинган вақтлар бўлди. Қанчадан-қанча кўшиқлар эфирлардан олиб қўйилди, шинавандалар ўзлари севган кўшиқларини эшита олмадилар. Бугун 80-90 ёшга кирган отахон ва онахонларимизнинг гапларини эшитсангиз, бу кўпчиликнинг кўнглига оғир текканини ҳис қиласиз. Масалан, яқинда бир онахон «Андижоним қолди менинг» кўшиғимни телевизорда эшитиб, «Мен ёшлигимга қайтдим». Салкам етмишга кирдим, шу кўшиқ сабаб бутун ёшлигимни эсладим. Неча йил эшита олмаган эдим», деб йиғлағудек бўлиб хат ёзибди. Кўрялсизми? Санъатда шинаванданнинг ҳаққи деган нарса бор. Айрим

мутасаддиларнинг эътиборсизлиги сабаб улар ана шу ҳақдан маҳрум бўлдилар. Бугун ана шу ҳуқуқлар қайтариб берилди.

— Халқимиз Шерали Жўраевни ҳаётлигида ўзи учун ҳайкал қўйган улкан санъаткор сифатида эътироф этади. Айтинчи, сиз учун санъат нима, кўшиқ-чи?

— Бу саволга жавоб бериш учун болаликдаги воқеаларни эслашим керак. Эсимда, туманимизда

ман. Буни қарангки, ўшанда биринчи ўринни менга беришганди...

Лекин, шунда ҳам санъаткор бўламан, деган гап ҳаёлимда йўқ эди. Ўша йили мактабни битириб, ҳужжатларимни қўлтиқлаб, пойтахтга, Жисмоний тарбия институтига йўл олдим. Асакалик Машрабхон опа деган кўшнимиз Ташкентга турмушга чиққан эди, поезддан тушиб, шу кишининг уйига борганман. Эрталаб, улардан институтга

**Ўтган даврда кўпгина санъаткорлар, ҳатто муҳлисларнинг ҳам ҳақ-хуқуқи поймол қилинган вақтлар бўлди. Қанчадан-қанча кўшиқлар эфирлардан олиб қўйилди, шинавандалар ўзлари севган кўшиқларини эшита олмадилар. Бугун 80-90 ёшга кирган отахон ва онахонларимизнинг гапларини эшитсангиз, бу кўпчиликнинг кўнглига оғир текканини ҳис қиласиз.**

ёш кўшиқчилар ўртасида конкурс бўлганди. Ушанда мен ҳам бир машҳур ҳофизнинг кўшиғи билан иштирок этмоқчи бўлганман. Аммо, ўша кўшиқларни айтиб, тўйларда тирикчилик қилиб юрадиган ҳакамлардан бири, сен бу ашулани айтолмайсан, деган баҳона билан мени конкурсга қўймаган. Ушанда катта йўл қолиб, тўтқатор ёқалаб кетган сўқмоқдан уйимга қайтаётим, «мен ҳали ҳеч кимнигина ўхшамайдиган ашула айтман», деб йиғлаб, ният қилганман. Бир кун келиб, ўз кўшиғим, ўзимнинг овозим бўлади, деб ўзимга-ўзим сўз берганман ўшанда. Аммо, орадан 3-4 йил ўтиб, менда ашулани қилдан кўра, спортга қизиқиш кучайди. Уша пайтда машҳур боксчилардан бири Сидней Жексоннинг шогирди Ориф ака исмли тренернинг машғулотларида қатнашардим. У менга, «сенинг зарбанг бошқача, бир уришда рақибингни мағлуб қила оласан», дерди.

Бу орада велоспортга ҳам қизиқдим. Ушбу спорт тури бўйича ҳатто спорт усталлигига ҳам номзод бўлганман. Бир куни Андижонда вилоятлараро мусобақа ўтказилди. Жамоамиз билан биринчилиكنи олдик. Хурсанд бўлиб қайтаётсак, Асакадаги маданият уйида «Талантларни излаймиз!» деган танлов ўтказилаётган экан. Узим спорт кийимиданман. Шунда кимданбир костюм-шим, бошқасидан рубоб олиб, шартта саҳнага чиқиб, «Хайр энди» деган кўшиқни айтиб берган-

бориш йўлини сўраб, 49-автотубсга ўтирдим, стадионнинг олдида тушдим. Нимагадир стадион томонга эмас, тўғрига юрим келди. Хаёлимда биров шу тарафга етмакчи кетаётгандек. Озгина юрсам, олдимдан икки қаватли иморат чиқди. Эшиги тепасида рубоб билан доиранинг расми бор. Бу маданият уйи шекилли, деб ўйладим. Ичкарига кирсам узун йўлак. Қаердандир пианино овози келди. Уша томон юрдим. Қарасам, жиккаккина, лекин чиройли кийинган бир ўспирин пианино чалаяпти. Мени кўриб, «Сен ҳам ўқишга келдингми?», деб сўради. Сенлаганига гашим келди-да, ха, дедим аччиқланганча. У, «Қани, овозингни эшитиб кўрайлик-чи», деб қолди. Ичимда «Қани, бу ёғи нима бўларкан?», дедим-да, аста ёнига бордим. У пианинода бир оҳангни чалди, мен оғзимда қайтардим. «Йе! Овозинг зўр-ку! Кетдик, бизникига», деди. Уйи яқин экан. Дарвозадан кириб, «Ой! Сенга ўғил олиб келдим», деб кичкирдди (кейин билсам, у ҳаммани, ҳатто ойисини ҳам сенлайдиган гаройиб бола экан). Онаси бизларни очик юз билан кутиб олди. Жаббор исмли бу йигит билан кейинчалик қалин дўст бўлиб кетдик. Хуллас, ўшанда бориб қолган жойим Маданият техникуми экан. Жаббор сабаб шу техникумга ўқишга кирдим, кейинчалик республика филармонияси қошидаги студияда, театр институтида ўқидим ва бутун ҳаётим санъат йўлига бурилиб кетди.

— Демак, кўшиқ, айниқса, ўз кўшигингизни куйлаш сиз учун болалигингиздаёқ кўнглингизга тушган ният, санъат эса пешонангизга битилган қисмат экан-да?

— Менимча ҳам шундай. Чунки, озми-кўпми халқимизга хизмат қилиб, нимагаки эришган бўлсам, санъат, меҳнат туфайли эришдим, деб ўйлайман.

— Шерали ака, яна бир савол: Сизнинг «Қарашларга», «Гулбадан», «Эй гўзал» сингари машҳур кўшиқларингиз шеърини ўзингиз ёзганингизни биламиз. «Ошиқларинг сардори менман» номли кўшигингиз ҳақида гап кетганда ҳам айрим муҳлислар аслида бу кўшиқ матнини Расул Ҳамзатов эмас Шерали Жўраевнинг ўзи ёзган, дейишади. Бу гапда қанчалик жон бор?

— Ҳақиқатан бу борада қизиқ воқеа бўлган. Адашмасам, етмишинчи йиллар эди, «Ўзбегим» ва «Биринчи муҳаббатим» билан анча танилиб қолган пайтларим. Андижондан Самарқандга кетаётим, Тошкентда, бир дўстимнинг уйда тўхтадим. Келганимни эшитиб, асли самарқандлик бўлган Обиджон исмли дўстим ҳам йўқлаб келди. Салом-алиқдан кейин, Обиджон «Ҳозир телевизорда Расул Ҳамзатов аёлларни табриқлаб (8 март байрами кунлари эди), сени мингта одам яхши кўрса, ўшаларнинг орасида мен борман, юзта бўлса ҳам борман, битта бўлса, ўша менман, сени ҳеч ким яхши кўрмай қўйса, Расул ўлибди, деб ўйлагин», деган мазмунда шеър ўқиди, деб қолди.

«Йе! Зўр гап экан-у, бунга кўшиқ қилиш керак, шеъри борми?», деб сўрадим. Афсуски, Обиджон кўрсатув жонли бўлгани, Расул оға шеърни рус тилида ўқигани учун ёзиб ололмаган экан. Лекин шу пайт шеърдаги гоё ниҳоятда кучли бўлгани учун уни шу заҳотиёқ кўшиққа айлантириш фикри менга тинчлик бермас эди...

Мен тўхтаган уйнинг дарвозасидан кирганда чоғроққина хона бор эди. Кечаси ўша хонада тунадим. Алламаҳалгача ухламай, шу шеърни ёзишга уриндим. Аксига олиб, қороз топиламан. Уй эгаларини уйғотиш ноқулай. Чўнтагимдан тўй таклифномаси чиқиб қолди. Шунга орқасига эрталабгача майда-майда ҳарфларда ёзиб чиқдим. Бир пайтнинг ўзида ҳам ёзганман, ҳам куй «пишяпти»...

«Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса, Билгинки, аларнинг сардори менман», деб бошланганда шеър. Расул Ҳамзатов шундай ёзган бўлса зўр бўларди-да, деб хурсанд бўламан ўзимча. Эртасига Самарқандга кетдим. У ерда Раҳмонли деган ўртоғим орқали Ургутнинг хурматли кишилари меҳмонга таклиф қилишди. Кичикроқ давра, бирикита ашула айтдим. Мезбонлар янғисидан сўраб қолишди. Бояги ашулани бошламоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаганимда бирдан булбулнинг «чаҳ-чаҳ» уриб сайрагани эшитилиб қолди (бахор фасли, биз утирган боғда булбуллар кўп экан). Шундан илҳомланиб:



Если в мире тысяча мужчин  
Снарядить к тебе готова сватов,  
Знай, что в этой тысяче мужчин  
Нахожусь я - Расул Гамзатов.

Если пленены тобой давно  
Сто мужчин, чья кровь несется с гулом,  
Разглядеть меж них не мудрено  
Горца, нареченного Расулом.

Если десять влюблены в тебя  
Истинных мужей - огня не спрятав,  
Среди них, ликуя и скорбя,  
Нахожусь я - Расул Гамзатов.

Если без ума всего один  
От тебя, не склонная к посулам,  
Знай, что это с облачных вершин  
Горец, именуемый Расулом.

Если не влюблен в тебя никто  
И грустней ты сумрачных закатов,  
Значит, на базальтовом плато  
Погребен в горах Расул Гамзатов.

Булбуллар ичинда тинмас забонман,  
Ҳамон ёнингдодман,  
Танангда жонман,  
деган сатрлар келди ҳаёлимга ва янги кўшиқни шу сўзлар билан бошладим. Шу тариқа ушбу кўшиқ яради.

— Кейинчалик, Расул Ҳамзатов бу воқеадан хабардор бўлди? Қандай муносабат билдирди?

— Бир иш билан Москвага борганимда Расул оға билан кўришганман. Бизни учраштирган дўстларимиз, «Бу йигит сизнинг ўша шеърингизни ўзбек тилида ашула қилган», деб айтишган экан. Расул оғага кўшиқ маъқул бўлди, ҳатто, «Мен бу шеърни ёзганда сен айтган жойларини ўйламаган эканман», дегани ҳалигача эсимда. Мен у кишига, «Шеъринг бошидаги тўрт қатори сизники, уни халқимизнинг табиатига мослаб айтдим», дедим. Расул оға, «Баракалла!», дедилар.

Шундан кейин Расул Ҳамзатовнинг рус тилидаги бошқа шеърларини ҳам кўшиқ қилдим.

— Санъаткор халқнинг фарзанди сифатида унинг дарду ташвишларидан четда тура олмайдим. Шу маънода, охиригиз саволим: пандемия шароитида одамлар, давлатлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам ўзгара бошлади. «Пандемия бизнинг кўзимизни очди», деган фикрга қандай қарайсиз?

— Энг аввало, бу Худодан келган синов эканини айтишимиз керак. Бу дунёда ҳеч нарса тасодифан бўлмайди. Бу офат чиндан ҳам нафақат бизнинг, балки бутун дунё ахлининг кўзини очди, одамзотнинг йўқотаётган ақлини киритяпти, ўйлашга мажбур қиляпти. Хатоларни таҳлил қилишга ундаяпти. Яъни, пандемия сабаб ҳамма нарсага муносабатимиз ўзгаряпти. Оилага ҳам, ишга ҳам, ҳатто келажагимизга ҳам. Шу билан бирга одамларда бир-бирини тушуниш, ҳамнафаслик ҳисси кучайди. Энди пандемия туягандан кейин ҳам бу сифатларни сақлаб қолишимиз керак.

Албатта, биз бу балони енгамиз. Чунки, мард, олижаноб халқимиз бор. Бу халқ, аввалги синовлар каби, бу синовдан ҳам эсон-омон ўтади. Фақат бунинг учун биздан — юртимизнинг катта кичигидан талаб қилинадиган нарсалар бор. Энг аввало, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай халқимиз саломатлиги, юртимиз тинчлиги учун меҳнат қилаётган, қайғураётган давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизни қўллаб-қувватлаб туришимиз керак. Яна, тиббиёт ходимларининг айтганларига амал қилишимиз, никоҳ тақийш керак дейилди, тақийшимиз, бўлар-бўлмасга кўчага чиқма, дейилди, чиқмаслигимиз керак. Бундай қоидаларни эса ўзимизга кундалик вазифа қилиб олишимиз шарт. Энг муҳими, юртимиз уламолари, ақли илмлари айтганларидек, ақлини таниган боладан то ёши улуг кексаларимизгача, ҳаммамиз бу балодан қутулишимиз Оллоҳдан чин дилдан сўрашимиз керак. Ана шундангина бу синовдан эсон-омон, ёруғ юз билан чиқишимизга ишонаман!



Булбуллар ичинда тинмас забонман,  
Ҳамон ёнингдодман, танангда жонман.  
Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса  
Билгинки аларнинг сардори менман.

Кўлларим истаги тутмоқлик қўлдан,  
Истагим тотмоқлик лабдаги болдан,  
Ошиқларинг келса гар мингта қўлдан  
Билгинки энг аввал келгани менман.

Севгига содиқлик шартини қўйсанг,  
Шартни бажармас деб, ёнингдан қувсанг,  
Агар ўн мингтадан юзта қолдирсанг  
Билгинки юзтадан биттаси менман.

Кексалик деган сўз жой олса дилдан,  
Игитлик қуввати кетса ҳам белдан,  
Ҳар кун гул олсанг сен гар ўнта қўлдан  
Билгинки энг аввал гул тутган менман.

Фалак фалаклин қилса ногаҳон,  
Сендан юз ўгирса ҳатто кенг жаҳон,  
Ошиқлардан қолса бир нафар, инон  
Қолган шу ошиқинг билгинки менман.

Кўзларинг бемаҳал ёшларга тўлса,  
Агар душманларинг устиндан қулса,  
Ошиқларинг агар ҳеч келмас бўлса  
Марҳум ул Расул Ҳамзат билгинки менман.

(Бошланиши 1-бетдан)

### Депутат ёшлар ва бизнес ўртасидаги ишончли кўприкка айланиши керак

Фракция аъзолари партия Сайловолди дастурида мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг сифатини ошириш бўйича фаол иш олиб бориш асосий вазифалардан бири этиб белгиланганлигини қайд этиб, янгидан ташкил этилаётган туман ва шаҳар Ёшлар ишлари бўлимлари ва олий ўқув юртлири қошидаги ахборот технологияларига ўқитиш марказларида тренинглар ўтказиш ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида тадбиркорликка қизиқиш ўйғотиш, уларни реал бизнес шароитлари билан яқиндан таништириш учун тадбиркор ва бизнесменларнинг ўзаро учрашувларини ташкил этиш таклифини билдирдилар. Бунда ҳар бир фракция аъзоси ўз сайлов округлари кесимида иш олиб боришига келишиб ҳам олинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши белгиланган янги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Марказий кенгаш Ахборот хизмати

### ИШОНИНГ... ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ...

Қўлингиздан кетган бойликка, бўюмларга ачинманг, демак, улар сизнинг насибангиз эмас экан...  
Ҳаётингиздан чиқиб кетган ва кетмоқчи бўлган инсонларни ҳам қайтаришга уринманг, демак, улар сизнинг ҳаётингизда ўз вазифаларини бажариб бўлганлар. Йўқотган соғлигингиз учун ҳам қайғуга ботманг, демак, Аллоҳ сизни севади, гуноҳларингизга каффорат бўлибди. Йўқотганларимиз яхши эди, демак, Яратган унданда яхшисини беради, ишонинг!!!

ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ  
ИНШААЛЛОҲ!!!


 Доимо бирор иш қилишни жуда истаган пайтингда тўхтаб,  
 истаётган ишинг яхши-ёмонлигини ўйлаб кўр.

А. Н. ТОАСТОЙ

# Бургага араз қилиб, кўрпага ўт қўйманг!

## Ёхуд тождор офатнинг тарқалишида шифокорлар айбдорми?



Шу кунларда интернетда бир-бирдан кескин ёзилган хабарлар, ҳукуматимиз, давлатимиз, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимига ёғдирилган аёвсиз айбловлар, салбий муносабатлару эътирозлар, очикдан-очик ҳақоратларни (бу рўйхатни кўп давом эттириши мумкин!) кўздан кечириб, ёқа ушлайсан киши. Ҳатто баъзида эътирозга берилиб, бу эътирозларга ишонинг ёки беихтиёр «ёқди» тугмасини босиб, мақола муаллифига азбаройи ҳамдардлингини кўрсатинг ҳам келади. Чунки айтилаётган гапларда, қанчалик бўрттирилган бўлмасин, озми-кўлини ҳақиқат бор ва бу ҳақиқатлар тизимдаги муаммоларни ифода этади.

Ижтимоий тармоқлардаги ахборотларни таҳлил этиш асносида бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Кимки ўз ҳақиқатини очиқчасига ва баралла айтиб, бу орқали мутасадди раҳбарларни «жойига қўйиб», сўз билан аёвсиз «савалаган» бўлса, кўп ҳолларда ахборот майдонининг тури вазият барқарорлашгунча ўша «кахрамон»ники бўлиб турибди. Мисолни бугунги кундан келтирайми. Айни пайтда жамоатчилик, блогерлар ва баъзи оммавий ахборот воситаларининг бутун диққат-эътибори тиббиёт соҳаси вакиллари ҳамда уларнинг раҳбарларига қаратилган.

Тўғри, кечагина беморларни соғайтириб, уларни гулдасталар билан уйига кузатган, «хавотирга ўрин йўқ, эртага ҳаммаси яхши бўлиши учун тиббиётимиз тайёр» деб халқни ишонтирган мутасаддиларни ҳозир оқлаш нотўғридир. Чунки мамлакатимизда касалланиш даражаси аввалгига нисбатан 4 баробар кўпайди. Экранлар орқали номини эшитганимиз лаънати вирус энди қўшимиз, қариндошимиз, хонадонимизгача етиб келиб улгурди. Ҳатто кўпчилигимиз унинг иситмасию йўталини танамизда ҳис қилдик.

Лекин пандемия билан боғлиқ вазият тиббиёт имкониятларини Ўзбекистондагина эмас, бутун дунёда деярли йўққа қўраётганини кўриб-билиб турибмиз. Ахир миттигина зарра манаман деган давлатларни ҳам тиз чўктириб қўйди. Жаҳон ўнталигида энг ривожланган деб эътироф этилган ўша Америка бугунгача 130 мингдан ошқ қурбон берди. Бу борада халқини қонун билан бўйсундирган давлат фуқароларини оддийгина никоб тақиб, ўзини яққолаш тадбирларига жалб этолмаётгани ҳам бор гап. Дунё эса инновациялар юрти бўлган АҚШдан касалнинг тарқалишида Хитойни айблагандан кўра, унинг олдини олиш борасида ташаббуслар кутмоқда. Ҳатто Нобель мукофоти лауреатлари ҳам бугун безовта. Улар ҳам изланишда. 17 нафар нуфузли мукофот совриндори бирилашиб, 100 га яқин дунё сиёсатчилари иштирокида пандемиянинг олдини

олиш бўйича муурожаатнома қабул қилишди, тажрибалар ўтказиб, коронавирга қарши вакцина ишлаб чиқаришни билдиришди. Мўъжизавий дори тайёр бўлишининг тахминий вақти 18 ой ёки ундан камни ташкил этишини маълум қилишди. Мана, ниҳоят даво топилди, деган баъзида ёлгон, баъзида ҳақиқатга яқин хабарлар ОАВда тўлиб-тошди...

Таҳлилчилар эса постсовет давлатлари нега COVID билан курашда қийинчиликка дуч келаётганини таҳлил этишга уриниб, миллий ҳукуматлар пандемиянинг кўлами ва хавфлиги борасида ўз вақтида вазиятни тўғри баҳолай олмаган, деган хулосани айтмоқда. Вирусга қарши курашнинг дастлабки босқичида постсовет давлатларида кам маблағ сарфлангани, бу эса ЖССТ томонидан тавсия этилган миқдордан 2-4 баробар камлиги, мазкур мамлакатларда тиббиёт ходимлари 2-3 баробар етишмаслиги, соҳа инфратузилмасини ташкил этишдаги муаммолар ва энг ёмони, миллий тиббиёт тизимининг узок вақт мобайнида етарлича молиялаштирилмагани бугунги муаммоларнинг сабаби, деб кайд этилмоқда.

Энди ҳолис айтинг-чи, юқоридаги муаммоларнинг қай бири бизда йўқ? Демак, жаҳонда ҳам, қўшни мамлакатларда ҳам пандемия масаласида «хўроз бир хил қичқирмоқда». Шундай экан, жаҳон мамлакатлари боши берк кўчада қолган бир шароитда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ва ходимларини айблаш қанчалик тўғри?

Баъзида қаттиқ ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолган айрим тизим мутасаддиларини кўриб кўзимга ишонмайман. Нахот бу БИЗ?! Мулоқотларни кузатишимча, бир фикрни жамоатчиликка маълум қилишдан аввал вазирлик мутасаддилари ўн марта жамоатчиликдан узра сўраб, кейин сўз бошлайдиган бўлиб қолишди. Чунки улар билади: агар жамият хоҳласа, «тролл фабрикалари» уларнинг шаънига қисқа вақтда миллионлаб заҳарли пайконларни йўллаши мумкин. Тўғри, баъзида соҳа вакиллари уларни

шунга муносиб ҳаракатларга ҳам йўл кўядилар. Лекин олтин ўрталикни топишда ҳаммамизга инсоф берсин. Чунки нотўғри ахборот талқинида, босим остида қолиб, юрак хуружига учраган ва бир умр хаста бўлиб қолган ҳалол, пок, энг муҳими, мамлакатимиздаги ислохотлар ҳамда фуқаролик журналистикаси босими нафақат одамлар, балки соҳаларнинг фалажланишига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

КЕЛИНГ ҲАММА ҲАРСАНИ ЎЗ НОМИ БИЛАН АЙТАЙЛИК. Зеро, ўша танқид остидаги шифокорларимиз ҳали ҳам 7 йилдан 12 йилгача таълим олиб, 200-300 АҚШ доллари миқдоридagi ойлик маошига қаноат қилиб юрибди. Боз устига, уларнинг жонига тажовуз қилиш ҳолатлари тобора авж олиб бораётганидан, бу борадаги муаммонинг олдини олишга қаратилган янги қонун лойиҳасини қабул қилиш даражасига келиб қолганидан хабаримиз бор. Уша баъзида биз қарғаган шифокорлар нафақат ўзигагина эмас, оиласига ҳам касалликни олиб кираётганлигидан кўз юмиб бўлмайдилар. Уларнинг тузалиб кетишига ҳам ҳеч ким қафолат бермайди. Тақдир эми билан пандемия даврида ўзим ҳам гоҳ касб тақазоси, гоҳ бошқа сабабларга кўра 3 ой турли касалхоналарда бўлдим. Тан олиш лозим, карантин марказлари ташкил этилиши, одамларга кўрсатилган хайрия ишлари, ватандошларимизни хориждан олиб келиб, уларга кўрсатган эътиборимизни ва бу борадаги яна кўплаб ютуқларимизни дунё эътироф этиб турибди. Бироқ мамлакатимиздаги турли тиббиёт муассасаларида вирусдан ҳимояловчи диққинафас кийимларни ўша шифокорларнинг ўзлари сотиб олаётгани, ўзлари тозалаётгани ва яна ҳеч бир эътирозсиз навбатда узоқ турган беморга хизмат кўрсатаётганига шахсан гувоҳман.

Тестлар етишмаслиги, одамлар йўқчиликдан толиқиши ёки ишсиз қолишига шифокорлар ёки тизим

раҳбарлари айбдорми? Ахир бугун глобал офатга қарши энг олдинги сафда туриб курашаётганлар оқ халатлилар-ку!

Брифингга келиб, у ёки бу мансабдорнинг, яхлит тизимнинг ва яна ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатмаган шифокорнинг «томоғидан олиш» ҳамда айб-лаш осон. Ваҳоланки, бошқача бўлганида нима қилардик? Мамлакат, давлат пандемия шароитида ТВ орқали кўнгилочар шоулар, концертлар, чалғитувчи сериалларни қўйиб, ҳаммамизни «жаннатдан хабарлар»дан баҳраманд этиб, иситмаси ошқор қилса-да, касалликни яшириши ҳам мумкин эди-ку? Шундай кунлар бугун тарихга айланиб улгурди. Ҳозир-чи? Хоҳлаган раҳбарни ҳатто ижтимоий тармоқ орқали ҳам топиш мумкин бўлган даврда яшаймиш. Улар билан учрашувлар ташкил этиш – давлат ахборот сиёсатининг бош талаби. ОАВ ходимлари учун, шахсан мен учун қачонлардир армон бўлган тўғридан-тўғри эфирлар – кўкқисидан саволга тутишга имконият. «Раҳбаримсан, жавоб бер!» қабиладаги ҳаракатларимиз энг юқори даражада бугун рабатланштирилмоқда. Езганимиз, тайёрланганимиз эфир юзини кўрмоқда...

Лекин бир нарсани тан оладиган пайт келди.

Бугуннафақат Ўзбекистон, балки ер юзидида фавқуллодда ҳолат. Ана шу вазиятни ваҳимасиз енгилшимиз зарур. Ахир пандемия Ўзбекистонга кириб келган март ойида бу қўлимиздан келди-ку! Қўлимиздан келгани учун дав-

лат бўлиб, халқ бўлиб Бухоро, Сирдарё, Сўхдаги ҳолатларнинг ечимини топдик-ку!

Эртага, албатта, вазият яхши томонга ўзгариши учун ҳаммамиз ўзимизга ўзимиз ёрдам бершимиз керак! Ўзимизни яққолашимиз зарур! Бу фикрларни эгасига етказишда эса ОАВ, ахборот тарқатувчи ва истеъмол қилувчи ХАЛҚ масъулиятни ўз зиммасига олиши даркор. Зеро, шу мақолани ҳозир ёзаяпман-у, маҳалладаги болаларнинг ҳеч бир никобсиз ўйнаётгани, ота-оналари ҳам буни бепарво никобсиз кузатаётгани, олдимиздаги емакхонада бир гуруҳ эркаклар никобсиз, кўпчиликлашиб гурунглашаётгани, кеча холижонимизга қўймай зудлик билан тўй қилган қўшимиз бугун келин-куёвни касалхонага жўнатганига гувоҳман. Қўшим эса ҳали ҳам мендан хафа, тўйга келмадингиз, деб. Хонадонларимиз эса айна дамда карантинда. Худди шу тўй туфайли! Ҳаммамизга шифо билан бирга инсоф берсин.

«Шифокорга ишинг тушмасин» деган нақл бор. Лекин доварот шифокор пандемия шароитида касал билан кураш майдонида олдинда борувчи аскар эканлигини унутмайлик. Улар бизни ғалабага етказиб, эвазига ўзлари қурбон бўлиши мумкин. Узи асрасин!

**Феруза МУХАМЕДЖАНОВА**  
 Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари

”

Партия аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда ҳунармандчилик, касаначилик, томорқачилик билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишларни олиб боради ва хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишнинг конструктив тизими жорий этилиши тарафдори бўлиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
 ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ  
 САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Кутинг!

Блогер минбари

## Тилимизга оид муаммолар илдизи нимада...

Бирор бир жамият жиддий синовларга дуч келганида, бу жараён энг аввало унинг тилида акс этади. Янги вазият, янги тушунчаларни ифодаловчи терминология устида иш олиб борилади. Янги атамалар эса халқ орасида шаклланади ёки давлат идоралари томонидан расмий ҳужжатларда ишлатила бошланади. Тилшунослар бу жараёнларни ўрганиб, янги тушунча ва атамаларни таҳлил қилиб, илмий оборотга киритади ёки давлат буюртмаси билан шу атамаларни яратиш жараёнида қатнашади.

Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбек тилига кўплаб ҳарбий атамалар кириб келди, ҳарбий сўзларнинг мазмуни эса қайта кўриб чиқилиб, улар терминларга айлантирилди. Дейлик, олдин истеъмолда бўлган «хужум», «ҳамла», «хуруж» сўзлари рус ҳарбий терминологиясидаги конкрет сўзлар билан боғланган: «хужум» – «наступление», «хуруж» – «вылазка», «ҳамла» – «налет». «Қамал» русча «осада»га тенглаштирилган бўлса, «муҳосара» «блокада» маъносига боғлаб қўйилди.

Ўзбекистон бугун ҳам тарихий воқеани – ҳалокатли пандемияни бошдан кечиряпти. Бу воқелик кундалик ҳаётимизда, демакки, тилимизда ҳам акс этапти. Табиийки, яна янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи сўзлар пайдо бўляпти, илгари долзарб бўлмаган сўзлар бугун аксинча кенг қўлланиляпти. «Коронавирус», «карантин», «пандемия» сўзлари эса ёд ҳам бўлиб кетди. Лекин,

шунга қарамай, пандемия давомида ўзбек тили тегишли терминология билан бойишига шубҳам бор. Бунинг сабаблари:

- шу кунгача халқ тилида ву-жудга келаётган ёки долзарб-блшаётган сўзларни тўплаб, уларни ўрганиш кераклигини англаётган бирорта тилшу-носни кўрмадим ҳали;

- ҳокимият органлари терминология яратишда тилшуносларга муурожаат қилмаяпти, одатдагидай, русча дискурстан келиб чиқиб, баҳоли кудрат айрим терминларни эгри-бугри таржима қилишяпти, ай-римларини эса шунчаки рус тилидан борича олиб қўйилмоқда.

Пандемия чоғида русча «самоизоляция» ва унинг бошқа тиллардаги муқобиллари ҳам бутун дунёда кенг ишлатилаётган сўзлардан бирига айланди. Ўзбекистонда эса бунинг ўзбекча муқобилини топа олмай, мутахассис тилшу-носларга муурожаат этмай, «ўзини ўзи яққолаш» терми-

нини ишлатилляпти. Балки бу жумла воқеликнинг мазмуни акс эттирар, аммо терминология ихчамлик ва аниқлик талабларига мос келмайди.

Бу нимадан далолат? Бу гуманитарийларнинг аҳамияти тушунилмаслиги, уларнинг билимлари керакли йўсинда ишлатилмаслиги ҳамда ҳужжатлардаги формулроқалар аниқлиги ва унификация қилиниши (аниқ бир махражга олиб келиниши) билан ҳеч кимнинг иши йўқлигидан.

Ижтимоий тармоқларда ўқиб қолдим. Мактабларда она тили ва тарих дарслари қисқартирилган экан деб. Агар шундай қарор қабул қилинаётган бўлса, тегишли ташкилотларда тилнинг реал ижтимоий аҳамиятини тушунадиган бирорта одам йўқ деган хулосага келиши мумкин. Тилдаги муаммоларнинг илдизи мана шунда-дир балки. Кузатишда давом этамиз.

t.me/AsanovEldar  
 (Эълдар Асанов)

**2019** йили судларга қарз ундириш билан боғлиқ **13,5 МИНГ** дан ортиқ ариза тушган бўлса, уларнинг **10 МИНГ** дан ортиғи қаноатлантирилиб, жавобгарлардан

**130 МИЛЛИАРД** сўмдан ортиқ маблағни даъвогарлар фойдасига ундириш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Бироқ...

Келгуси сонларда



Ҳеч қачон тушунтиришга вақт сарфламанг, одамлар барибир ўзлари хоҳлаган гапни эшитадилар.

Ўтди умрим, воҳ дариг...  
Қадимги кўшиқ

Ҳожимирсиноҳ автобусда жой талашиб болалик бир хотин билан айтишиб қолди. Бир мактаб бола ҳам келадиган экан, шу орага тушди-ю, ёмон бўлди. Бу қоқвош «шу ишингиз нотўғри» дейиш билан-ку, Ҳожининг қорнига қозик қоққандек бўлган эди, яна «хўрайманг» дегани нимаси? Ҳожи бирпас захарини ютиб турди-да, бола автобусдан тушиб кетаётганида, секин қўлини узатиб, қулогини ушлади ва уч буклаб туриб қаттиқ қисди; қисди, жонининг борича қисди! Бола, «қулоқдан айрилдим» деб ўйлаган бўлса керак, қўрқиб дарров ушлаб кўрди – йўқ, қулоқ жойида. У автобусдан тушиб, ловуллаб турган қулогини ушлаганича Ҳожига қаради ва бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз!» деди.



Абдулла ҚАҲҚОР

## Шиллар

Ҳожи ҳузур қилиб ўч олганидан, боланинг сўкани бошқа сўз тополмаганидан хурсанд бўлиб, орқасига суянди ва атрофига назар ташлади; қараса, ҳамма, айниқса шофёрнинг орқасига китоб кўриб ўтирган киши ўзини кулгидан зўрға тийиб турганга ўхшайди. «Ҳароми, мени тоза расво қилганга ўхшайди, – деди ўзича. – Бу ҳозир қулиб юборади, ҳозир қулмаса кейин, уйига бориб кулади; бола-чақаси билан кулади! Нега мен у итваччанинг қулогини шартта узиб қўлига бермадим?»

Ҳожимирсиноҳ шошиб автобусдан тушди, боланинг кетидан кетди. Бола ҳамон қулогини ушлаб борар эди; бир орқасига қараб Ҳожини кўрди-ю, жадаллаб муолишадаги каттақон икки қаватли бинога кириб кетди. Ҳожи уни бу ерга қочиб кирди деган ўйда эшикнинг олдида узоқ пойлаб ўтирди. Қуёш ботди ҳамки, бола чиқмади. Ҳожи аста эшикни очиб кирди. Болани пастдан тополмай, оёғининг учида юриб иккинчи қаватга чиқаётган эди, кимдир зинанинг устидаги чирогини ёқиб юборди. Ҳожи бир чўчиб тушди ва юқорига қаради. Юқорида ўзига маълум Орзиқул турар эди. Ҳожи уни қаердадир қоровуллик қилади деб эшитган, лекин қаерда эканини билмас эди.

– Е, ҳа, Орзиқул, – деди, – бу ерда нима қилиб юрибсиз? Шу ердасизми?

– Ҳа, биз шу ерда, – деди Орзиқул, тўнининг енгини кийиб. – Ўғлимизга шу ердан жой теккан. Сиз нима қилиб юрибсиз?

Ҳожи гангиб қолди. У, «Орзиқулнинг ўғли яхши йигит чикди, ҳозир битта ўзи ўттиз иккита машинага қарар эмиш» деб эшитган, лекин унинг шундай жойда туришини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

– Шунақами, – деди Ҳожи бошқа сўз тополмай, – бу жой ўғлингизга теккан экан-да, мен ўзингизга теккан деб эшитган эдим... Буюрсин... Шундай ўтиб кетаётган эдим, эсимга тушиб қолдингиз, бир кирай дедим, Орзиқул уйда бўлса, қуллук бўлсин қилиб чиқай...

– Жуда саз бўпти-да, Ҳожим! Кўп яхши қилибсиз. Қани кирсинлар... Йўқ, йўқ, кавушни ичкарига ечадилар... Заб келибсиз-да. Ўзим ҳам сизни бир айтиб келаман, бирпас гапиришиб ўтираман деб юрган эдим.

Орзиқул бу гапни меҳмоннинг кўнглига бўлиб айтмади, ростдан ҳам Ҳожимирсиноҳнинг бир келишига орзуманд эди. Лекин, ростини айтганда, Ҳожини уйга таклиф қилишдан муроди бирпас гапиришиб ўтириш эмас, унга ўз турмушини кўрсатиш эди. У, уй-жойини, маишати кўрсатиш билан мактанмоқчи эмас, чунки қўлга киритган нарсаси ўз қадр-қимматидан юқори бўлган одам мактанари. У фақат ҳақиқатни айтмоқчи.

«чўлоқ чўлоқлигидан, камбағал камбағаллигидан норизо бўлса, Худонинг қаҳри келадиган» замонда хокисор бўлган одамларнинг ўт кечиб, сув кечиб олиб борган курашлари натижа-сида турмушлари қандай ўзгарганлигини кўрсатмоқчи, холос. Орзиқул бу ҳақиқатни кўрсатиш билан таъна қилмоқчи ҳам эмас, чунки таъна қилиш – қаттиқ ўпкалаш деган сўз. Ҳожидан нима деб ўпкалайди? «Шунча йил сенинг заводингда ишлаб қорним ҳам тўймади, оқдан ҳам ўлмадим; сен мени от қатори кўрар эдинг, тойпахталар остида қолиб қовурган синганда касалимни маҳалла боққан» деб ўпкалайдими? Ҳожи шундай қилмаслиги керак эмишми? Завод эгаси-я? Лекин Ҳожи ўша вақтда шундай қилмасан бўлар экан, деб ҳозир айтиши мумкин ва айтади ҳам, чунки шу гап билан бировининг кўнглини юмшатиб бир пиёла чойини ичди.

Орзиқул Ҳожини коридорнинг охиридаги эшикка – ўзининг бўлмасига бошлади. Бу бўлмада балконида чиқилмаган эшикнинг тутқичига илинган аллақандай бир халтадан бўлак ҳамма нарса Ҳожининг кўзига қалбаки кўринди шекилли, бутун жиҳозларни алоҳида-алоҳида кўздан кечирди, ҳатто деворларни чертиб кўрди.

Орзиқулнинг келини Тожи-хон кирди. У, меҳмон билан кўришиб, нариги уйга таклиф қилди. Орзиқул Ҳожини ошхонага бошлаб чиқди. Ошхонада Мурод харита кўриб ўтирар эди.

– Келдингми, ўғлим, – деди Орзиқул, – мана Ҳожи бобонг ҳам келдилар.

Мурод дарров туриб Ҳожи билан сўрашди ва назокат билан унга жой кўрсатди.

– Келинг, Ҳожи бобо. Кўринмайсиз, келмайсиз...

– Баракалло, ўғлим, баракалло, – деди Ҳожи курсига эҳтиёт билан ўтираётди. – Умрингиз узоқ бўлсин. Кўндан-кўп хурсанд бўлдим... Ўғил деган шундоқ бўлсин, отасини рози қилсин. Кўп хурсанд бўлдим. Ҳўп... Бу гилам... бу гиламни неча пулга олдингиз?

– Эсимда йўқ. Анча бўлди олганимизга.

– Утган ҳафта бозорга бир гилам чикди, гиламмисан гилам эди-да. Бир минг уч юзга савдо қилиб, Қодиралининг ўғлига олиб бердим. Гилам таниган одам икки мингга индамасдан олади. Шунақа нарсалар керак бўлса менга айтиб қўйинг. Хўш... яшанг, ўғлим, кам бўлманг. Энди Орзиқул оёғини узатиб, баҳазур ёта берса ҳам бўлар экан. Биз бурун замонда шунча давлат билан ҳам бу хилда орзу-ҳавас кўрган эмасмиз. Энди ишламасиз-а, Орзиқул? – Нега ишламас эканман, қирқтўртинчи мактабда қоровуллик қиламан. Мен ишламасдан туролмайман... ўрганмаганман... – Ана шу чакки-да, Орзиқул, ана шу чакки! Ношукурчилик...

– Ношукурчилик бўлса ҳам урганмаганман.

Мурод кулди: – Кўрдингизми, ўрганмаганлар! Бу кишини ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳаддим сизмайди.

Тожиноҳ овқат келтириб қўйди. Овқат вақтида Ҳожи ҳеч кимга сўз навбати бермай, бурунги замонни ёмонлаб кетди. Маълум бўлишича, бурун замонда, завод эгаси бўлишига қарамай, у ҳам жабр кўрган экан: уезд ҳокими «акангизни мингбоши қилмаман» деб уч минг йигирма етти сўм пулини еб, сайловда дегрезлик Исомиддин деган жаллобни сайлаган экан. Тожиноҳ «пиқ» этиб қулиб юборди ва Муродга қаради: – У қанақа сайлов? – деди.

– Мен қаёқдан билай. Дада, у қанақа сайлов?

Орзиқул анчадан кейин жавоб берди:

– Мингбоши сайлов деб эшитар эдим-ку, ҳеч кўрган эмасман... Қанақа сайлов бўлар эди, мана Ҳожим айтдилар-ку... Оббо хотинталоқ-ей, шунақа қилган денг, Ҳожим!..

Тожиноҳнинг кулиши, Орзиқулнинг сўзидаги калақа оҳани Ҳожига ёқмади. У, кичкина пичоқчаси билан суюқ тозалар экан, сўзини бошқа, буларга хуш келадиган мавзуга буриш ниятида бирдан сўради:

– Ўғлим, – деди, – стахановчилик дейсизлар, бунинг ҳикмати нимада? Жуда кўп нарсаларни ақлим ола бермас эди, энди секин-секин фаҳмлаяпман. Лекин шу стахановчилик ҳеч ақлимга сизмайдиغان иш бўлиб чиқди. Бурунги замонда битта одам, менинг билишимча, жуда нари борса уч ярим пуд пахта терар эди, ҳозир йигирма беш пудга етказиб терар эмиш. Мана, сиз, битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз...

Мурод мийғида қулиб, Тожиноҳга қаради:

– Тожиноҳ, сиз айтинг, нима учун ҳозирги одамлар Ҳожи бобонинг ақллари сизмайдиغان ишларни қилишади? Айтинг, сиз ҳам стахановчи-ку.

Тожиноҳ жавобга лаб очганида эшик тақиллади-ю, туриб кетди. Жавобни Мурод-жон ўзи берди: – Стахановчиликнинг ҳикмати шундаки, ҳожи бобо... ўзимизда бир мақол бор-ку: «Бировнинг ишига саратонда қўл совқотади». Стахановчиликнинг ҳикмати ҳаммадан бурун шундаки, мен бошқарадиган ўттиз иккита машина ҳам, бу машиналар билан қилинадиган иш ҳам бировники эмас. Бу – бир... Эшикни тақиллатган Ўлмас экан, йўлакда онасига нима тўғридадир қувона-қувона сўзлаётган товуши эшитилди. У, шу қувончини отасига ҳам айтиш учун бўлса керак, шошилиб кирган эди, не кўзи билан кўрсинки, ҳали автобусда «тарбиясизлик» қилган киши ўтирибди! Ўлмас иштиёсиз қулогини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтади:

– Хўш, ўртоқ командир, қанақа кино кўрддингиз? Болани таниб, Ҳожининг эси чиқиб кетди. «Оббо ҳароми, – деди ичиди, – ҳозир арз қилади. Агар арз қилса, чўнтагимга қўл солди дейман!»

– Ўртоқ командир танкист бўлар эмишлар, – деди Тожиноҳ қулиб. – Учувчи бўлишдан айнибдилар... Ўлмас, меҳмон билан сўрашмайсанми?

Ўлмас сўрагани қўл узатди. Ҳожи унинг қўлини олар экан, ўрнидан турди:

– Энди мен кетай, бемаҳалга қолмай, – деди.

У, боланинг шикоят қилишидан ва бунинг натижасида ўнғайсиз аҳволда қолишидан қўрқмаса ҳам бўлар эди, чунки Ўлмас ҳеч шикоят қилиб ўрганган бола эмас. Орзиқул уни пастгача кузатиб хайрлашди. Ҳожи кўчанинг у юзига ўтиб, битта-битта қадам ташлаб борар экан, ўйлар эди: «Машина ҳам, бу машиналар билан қилинадиган иш ҳам ўзиники... танкист... танк ҳам ўзиники! Йиллар, йиллар ўтди! Ўтган бу йиллар дунёни остин-устун қилди!»

1939

## Наҳотки мен қароқчиман!

Суданликдўстларимдан бири ажойиб бир мақола ёзди. Сарлавҳаси «Наҳотки мен қароқчиман».

Мақолада у ўзи билан содир бўлган икки воқеани келтиради.

Биринчиси: Ирландияда тиббиётдан имтиҳонларим бор эди. Имтиҳон тўлови 309 фунт эди. Майда пулим йўқлиги сабаб 310 фунт бердим. Энг муҳими, имтиҳонни муваффақиятли топширдим. Шундан кейин Суданга қайтдим. Сал ўтиб Ирландиядан хат келди. Унда шундай ёзилган эди: «Сиз имтиҳон тўловини тўлашда хато қилибсиз. Тўлов 309 фунт эди. Сиз 310 фунт тўлабсиз. Сизга бир фунтлик чек юбордик. Биз ўз ҳаққимиздан

ортиғини олмаймиз». Қизиғи, мактуб билан марканинг нархи бир фунтдан қимматроқ эди.

Иккинчиси: Мен факультетга қатнар эдим. Уйим билан факультет орасида бир аёл у-бу нарса сотиб ўтирарди. Ҳар гал мен ундан 18 пенсга қакао сотиб олар эдим. Бир куни дўконнинг бошқа тоқчасида айнан ўшандай қакоонинг нархи 20 пенс ёзилганини кўриб қолдим. – Нега биринчи тоқчада қакоонинг нархи 18 пенс, иккинчи тоқчада эса 20 пенс? – Яқинда бизга қакао экспорт қиладиган Нигерияда мушкулотлар юзга келиб, нархлар кўтарилибди. Сиз кўрган тоқчадаги қакао кейин



Алишер НАВОИЙ

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади, Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ондин эрқанда гар этти эҳтиёт, Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қоранғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор, Кимса бормуқим, анга кўрганга қулғу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким кўйди қадам Йўлғаким аввал қадам, маъшуқи ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин, Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

## ✓ Ҳидоят сари

Бир куни Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули! Мен қачон Абу Бакрга йўлиқсам, у аввал мен салом беришимни кутади! – деди.

Шу пайт олдиларига Абу Бакр розияллоху анху келиб қолдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам у кишидан бу ҳақида сўрадилар. Абу Бакр розияллоху анху:

– Ё Расуллиллоҳ! Мен эшитдимки, кимда-ким биродарига йўлиққанда, аввал салом берса, ўша кишига жаннатда қаср барпо этилар экан! Мен ана шундай қаср биродарим Умарда бўлишини истадим!!! – деди.

Дўст танлашда адаштира, Аллоҳим... \*\*\*\*

Имом Бухорий ёшлигида ип-газлама савдоси билан шуғулланар эди.

Кунлардан бир куни у кишига бир харидор олий навдаги газламалари учун беш минг таклиф қилади. Бухорий бу нарх камлигини айтиб, сотишдан бош тортади. Шу куни кечга бориб, бўлиб ўтган воқеани фикрлаб шундай қарорга келади: – Ҳар куни шу газламани деб умримни ўтказаманми? Эртага беш мингга бўлса ҳам сотиб, бундан қутуламан.

Аммо эртаси куни қутилмаганда бошқа бир харидор айтиш шунга газламалар учун ўн минг беришини айтади. Бухорий бунини беш мингга сотишни ният қилганини ва бу ниятини ўзгартирмаслигини айтиб, беш мингга сотиб юборади. Бухорийни Бухорий қилган ишлардан бири — унинг ўз олдига қўйган мақсади ва шунинг қасдида қатъиятлик билан туриши эди. Нафсинг учун мақсад ва масъулиятингдан тойма, дўст...



«Сен ўзинг севган касбни танла, шунда бутун ҳаётинг давомида бирор кун ҳам ишламайсан!»  
Конфуций

келган юқдан. Шунинг учун қиммат. Мана буниси эса олдингидан. Шунинг учун у арзон.

– Ундай бўлса кишилар олдин арзонини олишади. У тугаса кейин қимматини олишади. Токи арзони тугамас экан қимматини ҳеч ким олмайди-ку, дедим.

– Ҳа, бунини биламан, деди. – Шундай экан, уларни аралаштириб арзонларини ҳам 20 пенсдан сотсангиз бўлмайдими? Бунини ҳеч ким билмайди-ку! – дедим.

Шунда у қулогимга: – Сен қароқчимсан? – деди. Унинг гапи ҳалигача қулогим остида жаранглайди. Бу қанақа ахлоқ?! Биз қачон бунақа даражага кўтариламиз?!  
ФБ дан



Жонс Ҳопкинс университетининг 15 июль соат 16:50 даги маълумотига кўра, Россияда коронавирус билан боғлиқ 738 787 ҳолат аниқланган.



«Kyodon агентлигининг хабар беришича, Япониянинг жануби-ғарбий қисмида юз берган кучли ёнғингарчилик, кўчки ва сув тошқини 54 та маданий мерос объектларига зарар етказган.

Мансабдорлар томонидан 172 миллиард 260 миллион сум зарар етказилган

Бу зарарнинг ҳозирча 66 фоизи ундирилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мансабдор шахслар жиноятчилиги таҳлилини эълон қилди. Қуйидаги расм орқали 2019 йилда, 2020 йилнинг ўтган даврида мансабдор шахсларга қанча жиноят иши қўзғатилгани ва қанча мансабдор шахс жавобгарликка тортилгани ҳамда жиноятлар оқибатида етказилган зарарлар миқдори, қанчаси ундирилгани билан батафсил танишиш мумкин:



**Чекловлар қимматга тушяпти**

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий таназзул сабаб дунё бўйлаб очарликка мубтало бўлаётганлар сони бир миллиарддан ошгани хабар қилиняпти.

«Welthungerhilfe» немис хайрия жамғармаси маълумотига кўра, бу жараёнда кўпроқ ривожланаётган ва иқтисоди ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар аҳолиси азият чекмоқда. Шу ўринда транспорт ва савдо муносабатларидаги чекловлар қашшоқликнинг ошишига кўпроқ сабаб бўлаётганини айтиш жоиз.

Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ тайёрлади.

**Москваликлар бугундан бошлаб коронавирус тестини бепул топшириши мумкин**

Москва аҳолиси коронавирусга қарши тестни 16 июлдан бошлаб бепул топшириши мумкин, дея хабар берди «РИА Новости».

Тестдан ўтиш учун шаҳардаги 207 та поликлиникада махсус пунктлар очилади. Шаҳар мэрининг уринбосари Анастасия Ракованинг сўзларига кўра, ҳар куни 50 минггача тест олиш имконияти мавжуд.

27 майдан бошлаб ҳар бир фуқаро Москвада коронавирусга антитаналар мавжудлигини текшириши мумкин бўлган. Синовлар натижасига кўра, москваликларнинг 22 фоизда антитаналар бўлган.

Авалроқ 15 июлдан бошлаб Россияга келган одамлар учун 14 кунлик мажбурий изоляция режими бекор қилиниши ҳақида хабар берилган эди.

Жонс Ҳопкинс университетининг 15 июль соат 16:50 даги маълумотига кўра, Россияда коронавирус билан боғлиқ 738 787 ҳолат аниқланган. Беморларнинг 511 958 нафари соғайган, 11 597 нафари эса вафот этган.



**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Бевақт ўлим Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутатлигига Олот туманидан сайланган ташаббускор инсонни орамиздан олиб кетди. Халқ дарди билан яшаб, кўплаб хайрли ва савобли ишларга қўл урган сафдошимизнинг эзгу амаллари хотирамизда, барҳаёт ёди эса қалбларимизда мангу қолади. Қисқа умри давомида Ҳамрой Чориев ўзидан яхши ном қолдирди. Мусибатли кунларда партиядошларимиз номидан Ҳамрой Чориевнинг оила аъзолари ва барча яқинларига Аллоҳдан сабр-бардош тилаймиз.



ЭЪЛОН

Сергели туманида жойлашган 304-сонли мактаб томонида 2007 йилда Ёқубов Азизхон Ҳамиджон ўғлига берилган U 2883773 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,  
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРODOV, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррир:**  
Равшан МАҲМУДОВ  
**Навбатчи:**  
Моҳира БАХТИЁРОВА  
**Дизайн:**  
Маммуружон КУДРАТОВ

Электрон почта:  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Қабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Matbuot ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Газета ҳафтаининг чоршанба куни чиқади.

Адади – 3104.  
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.  
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ  
Буюртма – 726  
Босишга топшириш вақти 21.30.  
Топширилди 10:00

ISSN 2010-7714  
12345